

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 336.5

ФАЙЗИЕВА НИЛУФАР ЖУРАЕВНА

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида юзага келадиган
рисklarни камайтиришнинг долзарб йуллари.**

Мутахассислик: 5А340705 "Банк ва кредит таваккалчилиги"

Магистр Академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.д., проф. Мирзаев Ф.И

Тошкент-2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-9
I.Боб. Банк рисклари категориясинг назарий-ҳукукий асослари ва классификацияси	10-50
1.1. Банк рискларининг иктисодий моҳияти ва унинг назарий асослари	10-16
1.2. Банк рискларининг таснифланиш хусусиятлари	17-34
1.3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари рискларини бошқаришнинг ҳукукий асослари	35-50
II Боб. Тижорат банклари фаолиятида рискларини ҳисоблаш усуллари ва уларнинг амалиётга тадбири	51-76
2.1. . Банк рискларини ҳисоблаш усуллари ва йўналишлари ..	51-67
2.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит рискларини ҳисоблашга амалий таҳлиллар	68-76
III Боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган рискларни камайтириш йўналишлари	77-82
Хулоса.....	83-84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	85-91

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги барча операциялар банклар оркали амалга оширилади ва албатта бу операцияларда рисклар юзага келади. Тижорат банклари фаолиятида максимал даромадга эришишни аниқ мақсад қилиб бажарилаётган рискли операциялар натижасида албатта даромадга эришилишига олиб келади ва бу банк бошқарувининг қабул қиладиган қарорларига айниқса боғлиқдир. Тижорат банкларининг рискли операциялари бир томондан иқтисодиётнинг барча секторларида банк-молия хизматларини курсатади, жамиятнинг иқтисодий талабларини қондириб, бутун жамият капиталини ошишига хизмат қилса, иккинчи томондан, маблағларини самарали объектларига жойлаштирилиши банкларнинг иқтисодий субъект сифатидаги даромадини оширади. Демак банк rischi банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад олмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит инвестиция, валюта) ўтказишидир.

Халқаро амалиёт курсатишича, банк riskини бошқаришда йул қуйилган қамчиликлар нафақат мамлакат банк тизимининг инкирозли ҳолатининг авж олишига, балки молия бозорининг бошқа сегментларига трансформацияланиши ҳисобига тизимли рискларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, 2008 йилда бошланиб ҳали-ҳануз давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий инкирози бунга яққол мисол бўла олади. АКШ банклари ва ипотека компаниялари томонидан ажратилган кредитлар таркибида ностандарт кредитлар салмогининг ортиши, ишончсиз қарз олувчилар уртасида кредитни қайтармаслик ҳолатларнинг ортиши, ипотека қимматли қозғалдири жозибадорлигининг пасайиши банк тизимида ликвидлилик муаммоларининг чуқурлашуви, тижорат банклари тулов қобилиятининг пасайишига сабаб бўлди.

Айни пайтда, банк тизими баркарорлиги мустахкамлаш, банк фаолияти, хусусан, у билан боглик рискларни бошқаришни такомиллаштириш йулларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Айни пайтда, республикамиз молия-банк тизими баркарорлигини таъминлаш, банк активлари сифатини ошириш, банк фаолиятидаги рискларни бошқаришни такомиллаштириш буйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва баркарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг курсаткичларига эришишнинг устувор йуналишлари тугрисида» ги қарорига мувофиқ кредитлар буйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йул қўймаслик борасида олдини олиш чораларини қўриш йули билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб тайинланди.

Шунингдек қарорда рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скорий-тахлил қилишнинг замонавий усулларини, банк рискларини бошқаришни чуқуромилли таҳлил қилиш механизминини жорий этиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялаш, муаммоли кредитларнинг юзага келишига йул қўймасликка қаратилган чораларни қўриш, қўтилаётган йўқотишлар моделлари асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантириш, капитал етарлилигига талабларни такомиллаштириш буйича Базель қўмитаси талабларини банк назорати тизимига жорий этиш, тижорат банклари корпоратив бошқарув тизулишига мажбурий тарзда бевосита банк кенгашига бўйсинувчи рискларни назорат қилувчи қўмитасини қиритиш ҳам қўзда тутилади.

Қувонарли томонларидан бири, банкларимизнинг капитал етарлилик кўрсаткичлари ўрнатилган меъёрлардан уч баробар кўп, жалб қилинаётган депозитлар миқдори ҳам йилдан – йилга ўсиб бормоқда. Банкларнинг капиталлашув даражасининг оширилиши, банк ликвидлигининг ортиб бориши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда инвестиция кредитлари орқали иқтисодиётда банклар иштирокини таъминлашнинг фаоллашуви уларнинг барқарор ресурс базасини шакллантиришни талаб қилади. Инвестицияларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек жаҳон – молиявий иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ҳозирги асосий мақсадларимиздан биридир¹.

Бундан ташқари, рискларни бошқаришнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва мутахассисларнинг етишмаслиги ва бошқа бир қатор омиллар сабабли банклар инвестицион фаолиятни амалга оширишда бир қатор муаммоларга дуч келишмоқда.

Банкларда рискларни таҳлил этиш ва самарали бошқариш бўйича мутахассислар кам ва мавжуд мутахассисларнинг ҳам малакаларини замонга мослаб ошириш лозим.

Ушбу муаммоларнинг банк фаолиятига салбий таъсир этиш доираларини аниқлаш ва бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

¹ Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади". Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримовнинг ЎзР Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2011 йил, 22 январь, №16(5183)

Умуман олганда, тижорат банкларининг фаолиятида рискларни бошқариш ва риск даражасини юкорилаб кетишига йул куймаслик миллий банк тизими баркарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири хисобланади ва илмий тадқиқотнинг долзарблиги ҳам айнан шу муаммоларни ечимини хал килиш билан бахоланади.

Илмий – тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Илмий – тадқиқот ишининг мақсади тижорат банклари рискларининг назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб бериш, шунингдек унинг классификацияси, хисоблаш усулларини ўрганиш ҳамда уларни тижорат банкларида жорий қилиш ва шакллантириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қўйидагилар магистрлик диссертациясининг вазифаларини ташкил этади:

- қўйилган масалани назарий нуқтаи назардан кўриб чиқиш;
- статистик маълумотларни тўплаш ҳамда уларга қайта ишлов бериш ва таҳлил утказиш;
- тижорат банклари фаолиятида мавжуд рискларни баҳолаш амалиётини таҳлил қилиш ва улар буйича юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни асослаш;
- Республикамиз банклари амалиётида рискларни камайтиришнинг долзарб йуналишларини буйича хулоса ва таклиф қилиш;
- банк фаолиятида рискларни бошқаришни такомиллаштириш масалаларига нисбатан хулоса ва таклифлар бериб, истиқболларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари инвестицион фаолиятини бошқариш, инвестиция жараёнида юзага келадиган рискларни баҳолаш ва бошқариш муаммоларини тадқиқ қилишда хорижлик олимлардан П.Роуз, Ж.Синки, К.Вальравен, Х.Грюнинг, А.Ольшанный,

О.Лаврушин, А.Беяков, С.Кабушкин, Г.Панова, С.Ермаков, В.Усоскинлар² ларнинг илмий ишларида уз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотларда бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, улар фаолиятида мавжуд муаммолар, назарий асослари киритилган.

Бу соҳада маҳаллий иқтисодчилар А.Ваҳобов, Ш.З.Абдуллаева, Т.Бобокулов, Н.Жумаев, Ф.Мирзаев, К.Мухаммеджанов, Д.Саидов, Д.Пулатов, В.Пшеничников, О.Абдурахманов, У.Тухтабаевлар³ ва бошқаларнинг банк

² Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. - М.: Дело, 1997. 768 с.; Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. - М.: Catallaxy, 1994. - 820 с.; Вальваран К.Д. Управление рисками в коммерческом банке. - Washington D.C., Мировой банк, 1997. - 303 с.; Грюнинг Х. Ван, Брайович Б.С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском / Пер. с англ. - М.: «Весь мир», 2007. - 304 с.; Ольшанный А.И. Банковское кредитование. - М., 1997. - 42 с.; Банковские риски: Учебное пособие / Под ред. О.Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2008. - 232 с.; Беяков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования (2-е изд.). - М.: «БДЦ-пресс», 2004. - 143 с.; Кабушкин С.Н. Управление банковским кредитным риском: Учебное пособие. - М.: Новое знание, 2004. - 184 с.; Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. - М.: ИКЦ «ДИС», 1997. - 286 с.; Ермаков С.Л. Работа коммерческого банка по кредитованию заемщиков. - М.: Компания «Алее». 1995. - 84 с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. - М.: 2003. - 204 с.

³ Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йуллари. - Т.: Академнашр, 2009. - 144 б.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002. - 304 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йуллари. и.ф.д. диссертация. - Т., 2008. - 235 б.; Миразаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қозғалар бозори мисолида).: Иқт.ф.ан.ном диссертация., - Тошкент, 2002. - 150 б. Мухаммеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка. Дисс. на соискание ученой степени к.э.н. - Ташкент, 2010. - с. 129.; Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қиска муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йуллари. Иқт.ф.ан.ном... дисс.автореферати - Тошкент, 2008. - 20 б.; Пулатов Д.Х. Модернизация кредитной политики в условиях реформирования банковской системы в Республике Узбекистан. Дисс. На на соискание ученой степени к.э.н. - Ташкент, 2008. - с. 122; Пшеничников В.В. Природа банковских рисков и пути их снижения. Дисс. На на соискание ученой степени к.э.н. - Ташкент, 2000. - с. 154; Абдурахманов О.Б. Фоиз rischi ва уни такомиллаштириш йуллари. Иқт.ф.ан.номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация — Тошкент, 2007. - 125 б. ; Тухтабаев У.А. Муаммолар кредитлар ва уларни бартараф этиш йуллари. Иқт.ф.ан.номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация — Тошкент, 2007. - 150 б.

фаолиятида рисклар ва уларни бошқариш масалаларида олиб борган илмий изланишлари диққатга сазовордир.

Маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари кўпроқ банк фаолиятининг у ёки бу тури риск билан боғлиқ эканлигига, унга таъсир қилувчи омилларга бағишланган. Банк рискларининг макро даражадаги умумий рисклардан фарқли хусусиятлари, уларни ўз вақтида англамаслик туфайли муаммоли вазиятнинг юзага келиши, инвестиция рисклари, умуман банк рискларини ҳисоблаш услублари, тижорат банклари инвестиция портфели таҳлили ва уни диверсификация қилиш, рискларни камайтирган ҳолда банк хавфсизлигини таъминлаш масалалари янада кенгроқ ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бироқ хорижлик олимлар ва рус олимлари томонидан бу масалаларнинг у ёки бу даражада ёритилиши уларнинг маҳаллий иқтисодининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда янгидан ташкил топган банк тизимида мавжуд муаммолар, ривожланиб бораётган тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ рисклар, уларнинг хусусиятлари хорижлик олимларнинг риск муаммосини киритиш билан ҳамма вақт ҳам монанд келмайди.

Магистрлик диссертация ишининг объекти – Республикамизда банк рискларини камайтиришнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилиш, аниқ ечимларини таҳлил қилиш ва бошқариш тадқиқот ишининг объектидир.

Магистрлик диссертация ишининг предмети – Республикамизда банк рискларини камайтиришнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилиш, аниқ ечимларини таҳлил қилиш ва бошқариш.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Тадқиқот ишининг назарий асослари бўлиб, банк рискларни бошқариш соҳасидаги етакчи миллий ва хорижий мутахассисларнинг ишлари ҳисобланади. Магистрлик диссертациясининг методологик асосларини Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси ва Марказий банки маълумотлари, Ахбор – рейтинг

агентлиги, Ўзбекистон даврий нашрлари, интернет маълумотлари, амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади.

Илмий – тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, тижорат банкларида рискларини бошқариш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни ўрганилиши билан бир қаторда қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратилган:

- республикамиз тижорат банкларининг рискларни бошқариш амалиётини таҳлил қилиш асосида унга уларни ҳисоблашнинг амалий ечимларини аниқлаб берилди;

- республикамиз тижорат банклари рискларни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

- банк рискларини ҳисоблаш йуналишларини такомиллаштиришнинг республикамизда жорий қилиш имкониятлари ўрганилди.

Илмий – тадқиқот ишининг амалий аҳамияти . Илмий – тадқиқот ишида олинган хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тижорат банкларида рискларни самарали бошқариш жараёнини такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий –тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Илмий – тадқиқот иши таркиби кириш, уч боб, асосий мазмунини ифодаловчи олти та савол хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.Боб. Банк рисклари категориясининг назарий-ҳукукий асослари ва классификацияси

1.1. Банк рискларининг иқтисодий моҳияти ва унинг назарий асослари.

Банк фаолиятидаги рисклар ва уларга хос хусусиятларни тадқиқ қилишдан аввал «риск» сузининг луғавий маъноси ва риск категориясига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ саналади.

"Риск" сузининг этимологияси латин тилидаги «rescum» - «денгиздаги риск», «хавф» сузига бориб такалади. «Риск- бу шундай нарсани, ундан қочиш лозим.»⁴

Риск иқтисодий фаолиятнинг энг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, у кенг маънога эга бўлган қўп тармоқли тушунча: шунинг учун банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун иқтисодиётдаги мавжуд рисклар, уларнинг банк фаолиятига таъсир қилиш томонларини чуқур ўрганиб чиқиш зарур.

Риск инсоният фаолиятининг барча босқичларида мавжуд бўлган тарихий ва иқтисодий категория бўлиб, у кишилар фаолиятида ёки табиий ҳодисаларда мумкин бўлган йўқотишлар салмоғини билдирган. Товар пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустахкам ўрнашиб олишига имконият яратади. Шунинг учун ҳам рисклар бизни доимо ҳар жойда ўраб келади. У бизнинг ҳаётимизда ҳар доим ҳам қочиб бўлмайдиган ва ечими лозим бўлган бир жараён бўлиб бирор бир натижани юзага келишига асос бўлади. Бундай натижа салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Рискнинг синоними сифатида биз ишончсизликни, имкониятсизликни, бир воқеа бўлиш бўлмаслигини олдиндан айтиб бера олмаслик қабиларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

⁴ Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках.- М: Catallaxy, 1994. - с. 428.

Инсоният табиатан рискдан қочишга интилади. Агар биз рискни назорат қила олмасак одатда ундан қочишга ҳаракат қиламиз. Чунки ҳар қандай ишончсизлик ўзига хос тарзда маълум даражадаги йўқотишларни олиб келади. Биз ҳаётимизда рискнинг мавжудлигини тан ола туриб ҳар бир ҳаракатимизда рискни минимум даражага туширишга ҳаракат қиламиз. Энди биз рискнинг туб моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак «риск» сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб, «сув остидаги қоя» деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини билдиради. “Риск” сўзи Европанинг кўп тилларида мавжуд. Мисол учун грекларда *ridsikon* сўзи мавжуд бўлиб, у қоя, чўққи маъносини билдиради. Италияликлар тилида *risiko* сўзи хатар, таҳдид маъносини, *risicare* сўзи қоядан моҳирона ўтиш маъносини билдиради. Вобстер луғатида риск – хавф-хатар, зарар ва йўқотиш эҳтимоли деб таърифланган. Иқтисодчи Е.С.Стойнованинг “Молиявий менежмент” китобида “Риск - бу зарарнинг пайдо бўлиши ёки прогнозлаштирилганидек даромад ололмаслик хавфи эҳтимоли” деб таъриф беради. Грабовий.П.Г, Петрова С.Н.ларнинг “Замонавий бизнесда риск” китобида таърифланишича, “Риск деганда маълум бир ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида корхона томонидан ўз ресурсларини маълум қисмидан айрилиш, фойда ололмаслик ёки қўшимча харажатлар қилиш эҳтимоли”дир. Иқтисодчи Чалый-Прилуцкий. В.А.нинг “Бозор ва риск” китобида келтирилишича: “Риск - бу танлов шароитида бажарилган шундай фаолиятки, қачонки муваффақиятсизлик шароитида танлов олдидагига нисбатан оғирроқ шароитга тушиб қолиш эҳтимоли мавжуд бўлади”. Ш.З.Абдуллаеванинг фикрича: риск ва хавф-хатар алоҳида нарса, яъни риск бу иқтисод субъектининг фаолиятидир ва у танлов билан боғлиқ. Бу фаолият субъектнинг хавф-хатар шароитидаги танловига асосан амалга оширилади.

1.1-жадвал

Риск тушунчаси ва унга берилган таърифлар⁵

Муаллиф	Нашр этилган китоб номи	Таъриф
С.Стойнова	“Молия вий менежмент”	“Риск - бу зарарнинг пайдо бўлиши ёки прогнозлаштирилганидек даромад ололмаслик хавфи эҳтимоли”
Грабовий.П.Г, Петрова С.Н.	“Замон авий бизнесда риск”	“Риск деганда маълум бир ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида корхона томонидан ўз ресурсларини маълум қисмидан айрилиш, фойда ололмаслик ёки қўшимча харажатлар қилиш эҳтимоли”
Чалый- Прилуцкий. В.А.	“Бозор ва риск”	“Риск - бу танлов шароитида бажарилган шундай фаолиятки, қачонки муваффақиятсизлик шароитида танлов олдидагига нисбатан оғирроқ шароитга тушиб қолиш эҳтимоли мавжуд бўлади”
Гранатуров.В.М.	Эконом ический риск: сущность, методы измерения, пути снижения. Москва “Дело и сервис”. 1999	“Риск - бу муқаррар танлов шароитидаги ноаниқликни бартараф қилиш билан боғлиқ фаолият бўлиб, бу жараёнда мўлжалланган натижага эришишни, муваффақиятсизлик ва мўлжалдан фарқланишларни миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш имконияти мавжуд”
Ш.З.Абдуллаева	"Банк рисклари ва кредитлаш"	риск ва хавф-хатар алоҳида нарсаси, яъни риск бу иқтисод субъектининг фаолиятидир ва у танлов билан боғлиқ. Бу фаолият субъектнинг хавф-хатар шароитидаги танловига асосан амалга оширилади. Хавф, хатар қанчалик юқорилашган сари субъект шунчалик риск қилмайди ва риск нолга яқинлашади.
и.ф.д. М.Шарифхужаев, Ё.Абдуллаевлар	“Менеж мент: 100 савол ва жавоб”	хавф - бирор кўнгилсиз ҳодиса ёки фалокат юз бериш эҳтимоли; хатар; қўрқинч; таваккалчилик - бу оқибатнинг яхши бўлишига умид боғлаб, хавф эҳтимолигини зиммасига олган ҳолда қилинадиган ҳаракат;

⁵ Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан тайёрланган.

Рус олими Гранатуров.В.М.нинг фикрича, “Риск - бу муқаррар танлов шароитидаги ноаниқликни бартараф қилиш билан боғлиқ фаолият бўлиб, бу жараёнда мўлжалланган натижага эришишни, муваффақиятсизлик ва мўлжалдан фарқланишларни миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш имконияти мавжуд”⁶. Хавф, хатар қанчалик юқорилашган сари субъект шунчалик риск қилмайди ва риск нолга яқинлашади.

Рискни талқин қилишда и.ф.д. М.Шарифхужаев, Ё.Абдуллаевларнинг ҳаммуаллифликдаги “Менежмент: 100 савол ва жавоб” китобида ҳам мантикий, ҳам луғавий маънодан келиб чиқиб ёндашилган. Уларнинг ўзбек тилининг изоҳли луғатига таяниб берган фикрича:

- хавф - бирор кўнгилсиз ҳодиса ёки фалокат юз бериш эҳтимоллиги; хатар; кўрқинч;

- хатар - бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит; хавф, таҳлика;

- хавф - хатар - хавф ва хатар, бирор нарсадан кўрқиш;

- таваккалчилик - бу оқибатнинг яхши бўлишига умид боғлаб, хавф эҳтимоллигини зиммасига олган ҳолда қилинадиган ҳаракат;

- таваккалчилик - бу ресурс ёки даромадни тўла ёхуд қисман йўқотиш хавфи;

- таваккалчилик - бу ноаниқлик шароитида ҳар қандай довбюррак менежер учун табиий ҳолат, вазият. Таваккалчилик ботирнинг иши;

- таваккалчилик - бу омадсиз оқибатнинг миқдорий баҳоланиши.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, рискка қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: риск бу ресурс ёки даромадни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфини олдиндан ҳисобга олиб, ноаниқлик шароитида бирор фаолиятни амалга оширишдир. Бунда риск реализациясига қарши чора – тадбирлар амалга ошириб қўйилган бўлиши лозим.


⁶ Гранатуров.В.В., Экономический риск: сущность, методы измерения, пути снижения. Москва “Дело и сервис”. 1999

Ҳар бир фаолиятини амалга оширишда иккиланиш ёки ҳавф-хатар бўлиши мумкин. Лекин уларни риск мазмунида ифода этиб бўлмайди. Хавф-хатар деганда биз олдиндан бирон салбий натижа берувчи ёки бирон бир салбийликка ёки зарар, талофатга олиб келувчи жараён мавжудлигини биламиз ва шу воқеаликка ёндашамиз. Фикримизча, ҳавф-хатар олдиндан мавжуд воқеаликдир, яъни аксарият ҳолларда ҳавф-хатар бирламчи. Риск иккиламчи. Одатда ҳавф-хатар мавжудлигини била туриб, уни ижобий ҳал қилишга қарор қилиш рискни юзага келтиради. Хавф-хатар аксарият ҳолда салбий натижага олиб келади. Ижобий натижага фақат риск қилиш орқалигина эришишимиз мумкин. Хавф-хатарни камайтириш ёки уни умуман йўқ қилиш бўйича риск қилинмаса, у доимо салбий натижа олиб келади ва унинг натижавий имконияти кенгрок бўлиши мумкин.

Масалан, ёнғин бу ҳавф-хатар. Ёнғин ўчирилмаса у катта зарар келтиради. Биз ушбу ёнғинни ўчира оламизми ёки йўқми Агар ўчира олсак қандай натижага эришамиз. Шуларни ҳисоб-китоб қилган ҳолда биз рискка борамиз.

1.1-чизма.

Хавф-хатар ва рискни боғлиқлиги⁷



X - ҳар бир ҳавфли ҳолат

1-ҳол. Хавф-хатар Риск қилинмаган ҳолда салбий натижа -мол- мулкни йўқотиш, даромадни йўқотиш, банкрот бўлиш ва ҳк

⁷ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т: Молия, 2002. -304 б.

2-хол. Хавф-хатар.Риск қилиш-ижобий натижа мол-мулк сақланиб қолади.,даромад сақланади,кўпайтирилади ва хз.

А - риск қилиш оркали ижобий натижа.

Риск нисбийликни ифодалайди. Мавжуд хавф-хатарларнинг барча холларида ҳам риск қилинмаслиги мумкин. Риск қилиш доимо ижобий натижага эришиш билан боғлиқ. Ҳар бир субъект ижобий натижага эришиш мақсадида рискка боради. Шу аснода хавф-хатар даражасининг қанча юқори бўлиши риск қилиш имкониятининг шунчалик паст бўлишига олиб келади. Бундай холларда риск қилинмаслиги мумкин.

Бу хулосамизнинг асоси бўлиб қўйидагидлар ҳисобланади:

- биринчидан,хавф-хатар рискка нисбатан аксарият холларда бирламчидир:
- иккинчидан, хавф-хатар даражаси паст бўлган холларда риск қилинади.
- учинчидан,хавф-хатар ва риск бир-бирига тескари пропорционал бўлган жараёндир.
- тўртинчидан хавф-хатар даражаси (кўлами) юқори бўлса у ҳолда риск «О» бўлади.

Банклар фаолиятидаги таваккалчилик эса банк уз ресурсларини йукотиши, даромадни тулик ололмаслиги ёки кушимча кузда тутилмаган харажатларнинг пайдо булиши билан боғлиқ йукотишлар ёки олинadиган даромад куринишида ифодаланади.

Таваккалчиликлар ва йукотишлар- бир томондан даромад олиш мумкинлигини ифодаласа, иккинчи томондан даромад олиш табиатига таваккалчиликнинг таъсири мавжудлигини ҳам англатади.

Банклар нафакат уз фаолиятига хос рискларга, балки миждозлари ва контрагентларига боғлиқ рискларга ҳам дуч келади. Доимий узгарувчи иктисодий мухит, молиявий инструментлар бозорининг ривожланиши, инструментлврнинг мураккаблашиб бориши ҳам банк рискларини юзага келтирувчи асосий манбалардан ҳисобланади.

Банк рискларини турлича талкинларини тахлил килар эканмиз, рискни аниклашга булган уч ёндашувни алохида ажратиш курсатиш мумкин, деб хисоблаймиз. Биринчи ёндашувга мувофик риск ахборотларнинг ноаниклиги билан тавсифланувчи бошқарув қарорини қабул қилиш вазияти билан аникланади. Иккинчи ёндашувга қура, банк рисклари муайян фурсатда банклар томонидан амалга оширилган бирор фаолиятнинг натижасини олдиндан айтиш имконининг мавжуд эмаслиги билан аникланади. Учинчи ёндашувда эса банк рисклари улар томонидан ликвидлилигининг йукотилиши ёки зарар қуриш, банк фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ равишда даромадни тулалигича олмаслик эҳтимоли балан аникланади.

Банк рискларининг қелиб қикиш сабаблари булиб турли иқтисодий омиллар, шунингдек банк фаолиятига нисбатан олганда эса ташқи ва ички омиллар хисобланиши мумкин. Қайд этиб қутилган омилларнинг барчаси банкнинг ликвидлилиги, рентабеллиги ва хавфсизлигига нисбатан салбий таъсирни юзага қелтириши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса, банклардан қутилиши мумкин булган салбий таъсирни бартараф этиш юзасидан зарурий чораларни қуришни тақазо этади.

Тижорат банкларининг энг қатта қискли операцияси- бу қредит операциялари булиб, бу операциялар қредитларни туғри расмийлаштириш талабларига қавоб берса, банк фаолиятида энг қуп даромад қелтирадиган операция хисобланади. Бунда албатта банк бошқаруви ва банк қредит қумитаси аъзоларининг қредит таваққалчилиги ва унинг қайтарилишини инобатга олган қолда қикарган қарорлари муқим аҳамият қасб этишини унутмаслик қоиз.⁸

⁸ С.Н.Қабушкин «Управление банковским кредитным риском» Минск «Новое знание» 2007
48 б

1.2.Банк рисклариринг таснифланиш хусусиятлари

Энди биз иқтисодиётнинг табақалашган даражасида рискларни таснифлаш ва уларнинг шакллари таърифлаб ўтамиз ва рискларни уч асосий синфини ажратиб кўрсатамиз.

- 1.Иқтисодий риск
- 2.Ижтимоий сиёсий риск
- 3.Фискал монетар риск

Иқтисодий риск деганимизда йирик тизим ва унинг ривожланишида умумиқтисодий мувозанат яъни Я.И.М. унинг ўсиши динамикаси ва бошқа кўрсаткичларни пасайишини тушунамиз.

Ижтимоий сиёсий риск деганда:

- аҳолини барча гуруҳини умумий рискдан ижтимоий ҳимоя қилиш
- аҳоли даромадларининг адолатли тақсимланиши
- ишсизликни қисқартириш ва бошқалар (таклиф ва талабнинг тартибга солиш)

Фискал монетар риск-давлат томонидан ўтказалаётган молиявий-бюджет сиёсати, нарх даражасини барқарорлаштириш. Оптимал солик меъёрлари,пул массасининг таъминоти ва бошқаларни тушунамиз.

Рискларни бошқариш назариясининг шаклланиши ва рискларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсир кучини аниқлаш учун уларнинг умумийлик даражасига қараб иқтисодиётнинг табақалашган даражасида кўриб чиқиш лозим. Таҳлил қилинаётган рисклар умумийлигини «синф», «кичик синф», «гуруҳ», «кичик гуруҳ», «тур», «тип» даражалари бўйича таҳлил қилиш рисклар ва даражаларни бошқариш тизимини ишончлигини оширишга имкон беради.

Рискларни гуруҳларга бўлинишига асос :

1. Мақсаднинг функционаллиги
2. Вазифаларнинг умумийлиги

3. Операцияларнинг ўхшашлиги даражаси ва бошқа омилларга қараб рискларни иқтисодийнинг табақалари: макро, мезо ва микро даражасида таснифлаш лозим.

Бундан ташқари рискларни намоён бўлиши ва олинган айтиб бериш белгиси бўйича қўшимча таснифлаш зарурдир.

Булар:

1. Олинган айтиб бўлмайдиган рисклар-ташқи рисклар.

2. Олинган айтиб бўладиган рисклар-корхонанинг ички рисклари, фирманинг хўжалик фаолияти, уни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш эҳтимоли.

Рискларни макро, мезо ва микро даражада тўлиқ кўриб чиқиладиган бўлсак улар қўйидагича таснифланади.

1. Макродаражада иқтисодий риск-ташқи ва ички олинган айтиб бўладиган ва айтиб бўлмайдиган.

2. Мезодаражада саноат-аграр ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги рискларга бўлинади.

Мамлакат миқёсида макродаражада иқтисодий рискларни аниқлаш жуда муҳим бўлиб, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш, четдан инвестициялар, кредитлар ва бошқа молиявий қўйилмалар жалб қилишда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир мамлакатларнинг ривожланиши рисклар, халқаро банк амалиётида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларни бўлиши ва уларнинг даражаси эса импорт ёки экспорт давлатга ёки контрагент мамлакатлардаги сиёсий иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Бирор бир давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айниқса кредит: ҳисоб-китоб операцияларини олиб боришда ундаги иқтисодий сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш лозим. Жаҳон амалиётида шу мақсадда тавсия этиладиган йуллардан бири бу мамлакат иқтисодий рискларини ҳажмини таҳлил қилувчи бери индексдан

фойдаланилади. Унинг ёрдами билан олдиндан мамлакат иқтисодий рискларининг ҳажми белгиланади.

Мамлакат иқтисодий рискини башорат қилиш давлат қурилмасининг таркиби ва сифат даражаларини таҳлил қилишга, шунингдек амалий маълумотлар ва нисбатларни ўрнатишга асосланган миқдор кўрсаткичларига таяниш керак

Таҳлилнинг ички тури. Сифат ва миқдорнинг уйғунлашуви аниқ ва равион бўлиши, барча жадваллар ва таққосланган маълумотлар таҳлилнинг енгили қилиши ва унинг самарадорлигини ошириш учун қисқартмаларини очиб берилишини ўз ичига олиши керак. Бу асосий тамойиллар мамлакат рискини аниқлашда таҳлил қилинаётган статистик ва аналитик йуналишларнинг икки поғонали тизимини ташкил қилишга олиб келди.

Биринчи поғонада ўлчашдаги ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ташкил қилинади. Энг аввало таҳлилнинг муҳим бўлаги, яъни, мамлакат иқтисодий рискларининг даражаси ҳақида хулоса келтирилади.

Иккинчи поғонада аниқ иқтисодий сиёсий вазият таҳлил қилинади, маркетинг тадқиқотининг натижалари кўриб чиқилади ва омиллар risks асосида давлатнинг иқтисодий риск даражаси аниқланади.

Макродаражада мамлакат иқтисодий рискини баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида қўйидагилар таҳлил қилиниши мумкин:

- иқтисодий самарадорлиги (ЯИМ) ўсиши (йиллик)
- сиёсий риск даражаси
- жаҳон банки маълумотларига асосан олинган кредит миқдори, ташқи қарзлар, ташқи савдо обороти ва бошқалар.
- банк кредитларини олиш имконияти
- узок муддатли кредитлаш имконияти
- ташқи қарзлар бўйича тўланмаган мажбуриятномалари.

Иқтисодиётнинг мезо ва микродаражада рискларининг турлари ва таъсирчанлик даражаси турлича бўлиш мумкин. Бу ўз навбатида рискларга

таъсир этувчи омилларга боғлиқ бўлади ва бу омилларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин

1. Объектив-бошқарилмайдиган
2. Субъектив-бошқариладиган омилларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга, субъектга боғлиқ бўлмаган омиллар (инфляция, рақобат, кризислар).

Иккинчи гуруҳга-корхона ёки фирманинг фаолиятидан келиб чиқадиган, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техникавий имконият, меҳнат ташкил этиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, риск тадбиркорлик фаолиятининг энг асосий элементларидан биридир, шунинг учун банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун иқтисодиётдаги мавжуд рисклар, уларнинг банк фаолиятига таъсир қилиш томонларини чуқур ўрганиб чиқиш зарур.

«Риск» сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб, «сув остидаги қоя» деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини билдиради. Риск тушунчаси турли олимлар турлича таъриф беришган. Улардан келиб чиқиб, рискка қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: риск бу ресурс ёки даромадни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфини олдиндан ҳисобга олиб, ноаниқлик шароитида бирор фаолиятни амалга оширишдир. Бунда риск реализациясига қарши чора – тадбирлар амалга ошириб қўйилган бўлиши лозим.

Риск нисбийликни ифодалайди. Риск қилиш доимо ижобий натижага эришиш билан боғлиқ. Ҳар бир субъектнинг рискка боришдан асосий мақсади ижобий натижага эришишдир. Шу аснода хавф-хатар даражасининг ошиб бориши риск қилиш имкониятини шунчалик пасайтиради.

Иқтисодиётнинг табақалашган даражасида рискларни қуйидаги 3 асосий синфга ажратиш мумкин:

1. Иқтисодий риск;

2.Ижтимоий сиёсий риск;

3.Фискал монетар риск

Тахлил қилинаётган рисклар умумийлигини «синф», «кичик синф», «гурух», «кичик гурух», «тур», «тип» даражалари бўйича тахлил қилиниши рисклар ва даражаларни бошқариш тизимини ишончлигини оширишга имкон беради.

Банк амалиётида риск ҳар доим кутилмаган ходиса эмас. Банк фаолиятининг барча тури риск билан боғлиқ. Банк фаолият тури ёки операцияси riskли эканлигини билиб туриб, ушбу операцияни амалга оширишга қарор қилади ва амалга оширади.

Банк riskи иқтисодий riskларнинг бир қисмини ташкил қилиб банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади.


Маблағларни кредитлаш тамойилига асосланиб мижозларга берилиши ,банклар ишининг маълум тамойилларга асосан ташкил қилиниши улар фаолиятининг турлари risk билан боғлиқ эканлигини англатади.

Бу ҳол эса банк riskининг объективлигини ифодалайди.

Банк фаолиятига бошқа омилларнинг таъсири, уларнинг натижасини ҳисоблаш имкониятининг мавжудлиги ва бир турдаги riskнинг турли шароитда бўлиши, уни турлича қабул қилиш ва ҳисоблай олиш унинг юзага келишининг субъектив сабаблари ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган riskлар нафакат банк тизими ноликвидлашувига, балки бутун иқтисодиётнинг инкирозли ҳолатига сабаб бўлиши мумкин.

Банкда рискларни юзага келиш сабаблари⁹



Юқоридагиларга асосланиб банк rischi банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад олмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит инвестиция, валюта) ўтказишдир деган таърифни келтирамыз.

⁹ Абдуллаева Ш.З. Банк risklari va kreditlash. -Т: Молия, 2002. -304 б.

Банк фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлиши ҳаражатлар, зарарлар ва йўқотишлар каби категорияларнинг доимий учраб туриши ва улар банк амалиётининг кунлик мониторингида бўлишини тақозо этади. Ҳаражатлар, зарар, йўқотишлар ўз ўзидан риск ҳисобланмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг моҳиятига эга.

Банкнинг депозитлар, жамғармалар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз тўлаш, бошқа молия кредит институтларидан жалб қилинган маблағлар учун иш ҳақи тўлаш ва бошқа операцион ҳаражатлар билан боғлиқ рисклари қўйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- бозор иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар,
- аҳоли жамғармалари бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини ошиб бориши
- кредит ресурслари етишмовчилиги ва бошқалар.

Бундай ҳолатда банклар ўз даромадлари билан ҳаражатларини ёпа олмайди.

Банкнинг зарар кўриши-банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг олдини ололмаслик натижасида юзага келади. Банк фаолиятида рисклар келажакда амалга ошириладиган операцияларни таҳлил қилмаслик ҳолати яхши ўрганмаслик бозор имкониятларига тўғри баҳо бера олмаслик банк фаолияти учун салбий натижаларига олиб келиши мумкин.


Йўқотишлар- банк фойдасини камайтирувчи омил ҳисобланиб, у банк фаолиятининг рисклилиқ даражасига боғлиқ бўлади. Рискнинг ҳажми банк амалга оширадиган операцияларнинг рисклилиқ даражасига, риск соҳасидаги стратегияси сифатига боғлиқ бўлади. Даромадлилик ва риск ўртасидаги нисбатни сақлаб туриш банкни бошқаришнинг энг асосий ва мураккаб муаммоси бўлиб ҳисобланади. Банкларни баъзан «риск сотиб олувчи ва сотувчилар» деб атайдилар.

Банк рискларини бошқаришни самарали ташкил этиш уларни муайян белгилари бўйича аниқ гурухларга бўлиш билан боғлиқ¹⁰ Вақти бўйича рисклар уч турга бўлинади.

1. ретроспектив рисклар;
2. жорий рисклар;
3. келажакдаги рисклар.

1.3-чизма.

Банк рисклари классификацияси.



¹⁰

Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т: Молия, 2002. -304 б.

Рисклар таснифи уларни ҳар бирининг умумий тизимдаги ўрнини белгилаш, уларни бошқаришнинг самарали усуллари кўллаш имконини беради.

Банк рискларини таснифлашни қўйидаги асосий тамойиллар асосида олиб борилади.

1. Рискни пайдо бўлиш сабаблари ва таъсир қилиш характери бўйича.
2. Намоён бўлиш шакллари бўйича.
3. Бошқариш имкониятига қараб рискларни бўлиб чиқиш
4. Ҳисоблаш усулига қараб рискларни ажратиш.
5. Юзага келиш ва таъсир вақтига қараб рискларни ажратиш.
6. Юзага келиш соҳасига қараб рискларни таснифлаш.

Пайдо бўлиш сабабларига кўра рисклар соф ва сунъий рискларга бўлинади. Соф рисклар кўпинча объектив хусусиятига эга ва салбий «о» натижага эришиш эҳтимолини билдиради. Бундай рискларга табиий экологик транспорт рисклари, тижорат рискинни бир қисми киради.

Намоён бўлиш шаклларига қараб банк рисклари тизимли ёки тизимсиз рискларга бўлинади. Тизимли рисклар банк тизимидаги умумий вазият натижасида банкнинг молиявий ахволи ўзгариши эҳтимоли сифатида таърифланади.

Тизимсиз ёки номунтазам рисклар банк тизимида умумий ахвол барқарор сакланган ҳолда алоҳида олинган банкнинг молиявий ахволи ёмонлашиши эҳтимолини билдиради.

Бошқариш имкониятига кўра банк рисклари очиқ ва ёпиқ бўлади. Очиқ рискларни тартибга солиб бўлмайди. Ёпиқ рискларни эса бошқариш мумкин. Ёпиқ рисклар диверсификация сиёсатини ўтказиш йули билан амалга оширилади. Яъни бунда :

1. банк операцияларини умумий хажмини саклаш мақсадида бир неча мижозларга берилган кредитларни кичик сўммалардан кенг миқёсда тақсимлаш

2. йирик кредитларни консорциал асосда бериш;
3. депозит сертификатларини жорий қилиш,
4. қайта ҳисобга олиш операцияларини кенгайтириш,
5. кредит ва депозитларни суғурталаш амалга оширилади.

Баланслашмаган ликвидлилик riskини пайдо бўлиши банк бошқарув ва ходимлари малакаси, банк фаолиятини ва назоратини ташкил қилиш, riskларни тартибга солиш учун қўлланаётган усулларнинг ишончлилиги, алоҳида банк операциялари ёки уларнинг гуруҳлари бўйича riskлар коэффициентлари шкаласини тузишга асосланади.

Банк riskлари иқтисодий классификацияси қўйидаги элементлардан шаклланган:

1. Тижорат банкининг тури.
2. Банк riskларини таъсир доираси ва келиб чиқиши.
3. Банк мижозларининг таркиби.
4. Riskларни ҳисоблаш методи.
5. Банк riskлари миқдори.
6. Банк riskларини бошқариш.
7. Банк riskлари бошқариш методи.

Тижорат банкининг иш фаолиятида тармоқда ўртача riskларни миқдорини инобатга олмоқ керак

Универсал ҳарактерга эга бўлган банклар фаолиятида ҳамма турдаги riskлар инобатга олингани мақсадга мувофиқдир.

Кўриб ўтилган вариантларда riskларни миқдор даражаси кўпроқ тармоқ банкларига тегишлидир. Тармоқ банклари тармоққа боғлиқдир.

Riskлар универсал банкларга нисбатан камроқ таъсирлидир. Бунинг сабаби универсал банклар бир операция туридан зарар кўрса, уни бошқа турдаги операциялардан олинган фойда билан қоплаши мумкин.

Банкнинг riskлари 2 га бўлинади:

1. Ички riskлар

2. Ташқи рисклар

Ички рисклар банк фаолиятдан келиб чиқиб икки турдан иборатдир:

- Асосий фаолиятдан келиб чиқадиган рисклар,
- Ёрдамчи фаолиятдан келиб чиқадиган рисклар.

Асосий фаолиятдан келиб чиқадиган рисклар:

1. Кредит беришдан келиб чиқадиган рисклар;
2. Фоиз рисклари;
3. Валюта рисклари;
4. Бозор рисклари- қимматли қоғозлар билан рисклар;
5. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб рисклари.

Ёрдамчи фаолиятдан келиб чиқадиган рисклар:

1. Депозитларни муддатдан олдин талаб қилинса;
2. Янги турдаги операциялардан келиб чиқадиган рисклар;
3. Банк муттаҳамгарчиликларидан келиб чиқадиган рисклар.

Ташқи рисклар:

1. Сиёсий ўзгаришдаги рисклар;
2. Иқтисодий ўзгаришлар рисклари;
3. Ҳарбий ҳаракат (уруш) бошланиши рисклари;
4. Национализация;
5. Хусусийлаштириш;
6. Қарз компенсацияси;
7. Импорт лицензиясини бекор қилиш;
8. (ер қимирлаши, сув босиши, ёнғин).

Тижорат банкларининг мижозлари таркиби банк рискларини ҳисоблаш методикасини аниқлаб беради. Майда кредит олувчилар бозор иқтисодиёти спецификасидан келиб чиқадиган рискларга монанддир.

Йирик ва катта миқдордаги кредитларни бир мижозга берилиши ҳам тижорат банкларини инқирозга учрашига сабаб бўлган. Шундай нохуш

воқеликдан ҳимояланишни методи бу – катта миқдордаги кредит беришни чегаралаш методидир.

Банк рискани ҳисоблаш методига қараб умумий, яъни комплекс риск ва хусусийга бўлинади.

Комплекс рискларни ҳисоблаганда, уни баҳолаш ва прогнозлаштириш асосида рискларни миқдорини банкнинг даромадига нисбатан аниқланади ва иқтисодий нормативларга асосан белгиланади.

Маркетинг изланишлар тарихи шундан далолат берадики, ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан банклар ҳам рискани минималлаштириш, катта миқдорда фойда олишга интиладилар.

Рисклар ва кутилаётган фойдани нисбати баъзи бир объектив ва субъектив омиллар таъсирида бўлади. Рискларни миқдоран пасайтиришнинг қулай усули бу суғурталаш усули бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги замонда рисклар миқдорини аниқлашда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари кенг қўламда фойдаланилади.

Банк операцияларининг ҳамма тури рискларга мойилдир.

Ҳозирги кунда тижорат банклари рисклари тахлилида қуйидагиларга эътибор беришимиз шартдир.

1) Иқтисодиётни ўтиш давридаги инқироз ҳолати, ишлаб чиқаришни пасайишини;

2) Банк тизимини бозор иқтисодиёти талабига жавоб бермаслигини;

3) Инфляция даражасини ва унинг ўсиб бориш динамикасини.

Мана бу вазият банк рисклари ва уларнинг банклар фаолиятига таъсирини ўзгартириши мумкин.

Рисклар назариясининг аста секин ривожланиши билан рискларни таҳлил қилиш методикаси ва методологияси ҳам ривожланиб бори. Ҳозирги кунда рискларни таҳлил этишни қуйидаги босқичлари мавжуддир.

I босқич. Тижорат банкининг тури ва кўриниши.

II босқич. Банк рискларининг тармоқларга таъсири.

III босқич. Рискларни ҳисоблаш методикаси, ва ундаги қўйилган камчиликларни тахлили, абсалют ва нисбий кўрсаткичларни тахлили.

IV босқич. Тахлил этилаётган конкрет рискларни бошқаришнинг мавжудлиги.

V босқич. Тахлил асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирларни эффективлигига баҳо бериш.

Банк операцияларининг ҳарактерига боғлиқ бўлган рисклар.

Банк операцияларининг **ҳарактерига** боғлиқ бўлган рисклар специфик ҳарактерга эга бўлиб банк балансининг таркибида бўлиб ўтадиган операцияларга ва балансдан ташқарида бўлиб ўтадиган операцияларга бўлинади.

Баланс доирасида ва балансдан ташқарида бўладиган операциялар қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

Пассив операциялар рисклари.

Бизга маълум тижорат банклари пассив операциялар асосида ўзининг ресурсларини бошқаради.

Тижорат банкнинг пассив операцияларига қуйидагилар киради.

1. банк фойдасидан устав капиталини шакллантириш ва кўпайтиришга ажратмалар..
2. Юридик шахслардан кредит олиш миқдорини кўпайтириш.
3. Депозит операцияларни бажариш.

Биринчи гуруҳдаги кўриб ўтилган пассив операциялар банк капиталини шакллантиради.

Иккинчи гуруҳдаги пассив операциялар банк фаолиятида мулжалланмаган кредитлар беришда фойдаланилади, ва тижорат банк ликвидлигини бошқаришга ишлатилади.

Депозит операциялар ёрдамида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг ресурсларини жалб этилади, қуйидаги усуллар ёрдамида:

1. талаб этилгунча сақланадиган депозитлар.

2. Муддатли депозитлар.

3. жамағарма депозитлар

Тижорат банклари депозитларни жалб қилаётган жараёнда актив ва пассив депозит операциялар орасидаги оптимал нисбатни сақлашлари лозим.

Банкнинг актив операциялари бўйича рисклар

Банклар фоиз rischi ёки актив операциялар бўйича рискларга ўз фаолиятида доимий равишда дуч келадилар.

Фоиз riskини бошқариш банкларни активларни бошқариш (кредитлар ва инвестициялар) ва пассивларни (жалб қилинган маблағлари) бошқаришга бўлинади.

Банк активларини бошқариш банк балансини ликвидлилиги билан ва мижозларнинг қимматбаҳо қоғозлари ва банк кредитини олиш шартларини ўз ичига олади.

Фоиз riskларини бошқаришни бир нечта концепциялари мавжуддир. Шулардан:

1. Банк маржасининг миқдори қанча юқори бўлса фоиз хатарининг фоизи шунча паст бўлади.

2. “Спрэд” концепцияси. Ўртача тортилган ставкалар ўртасидаги фарқни тахлили ва банк мажбуриятномалари бўйича тўланган ўртача ставкалари ўртасидаги фарқи бўйича.

3. Ўртадаги “фарқ” концепцияси. Банк балансининг актив ва пассиви ноликвидлилиги, банк фойзининг қатъий белгиланган ёки сузиб юрувчи фойиз ставкаси маълум бир муддат билан аниқланади.

Фоиз riskларининг миқдорига қуйидагилар таъсир кўрсатади.

1. Актив портфелидаги ўзгаришлар, кредитлар ва инвестициялар ўртасидаги нисбати ўзгариши ҳам.

2. Пассивлар структурасидаги ўзгаришлар, банкнинг ўзининг маблағлари билан жалб қилинган маблағларининг ўртасидаги нисбатининг ўзгариши.

3. Фоиз ставкасининг динамикаси.

Тижорат банклари фаолиятида унинг активлари ва улар билан боғлиқ актив операцияларнинг рисклилиқ даражасини аниқлаш, бу жараёни бошқариб бориш муҳим ўрин тутди.

Тижорат банкларининг активлари ўзига хос белгиларига қараб таснифланади:

1. Ликвидлиқ даражасига қараб
2. Риск даражасига қараб
3. Даромад даражасига қараб

I.Биринчи гуруҳ-юқори ликвидли активлар.

а) кассадаги ва йулдаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар, монета, чеклар ва бошқалар.

б) корсчётдаги маблағ қолдиқлари.

в) «Ностро» ва «Востро» счётларидаги қолдиқлар

г) мажбурий резервлар счёти бўйича маблағлар

д) қимматли қоғозлар счётдаги маблағлар қолдиги хазина векселлари ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳ ликвид активлар

а) берилган кредитлар.

б) Ўзбекистон инвестициялари

в) бошқа қимматли қоғозлар

учинчи гуруҳ ноликвид активлар.

а) Муддати ўтган судалар.

б) Муддат ўтган фоизлар

в) Суд аралашуви билан ўзлаштирилиши кўзда тутилган ссудалар.

г) Тугалланмаган ишлаб чиқариш

д) Асосий воситалар.

Рисклилиқ даражасига қараб активлар тўрт гуруҳга бўлинади.

1 гуруҳ-рискдан холи бўлган активлар.

Буларга нақд пуллар Ностро, Востро ҳисоб варақ қолдиқлар? МБ қимматли қоғозлари ва облигациялар.

2-гурух (кичик) минимал рискли активлар Ностр, Востро ҳисобварақдаги олиними лозим бўлган маблағлар, евро облигациялар, қисқа муддатли биринчи синф таъминланганликка эга бўлган кредитлар. Бу активлар бўйича риск даражаси 20 % га тенг.

3-гурух Юқори рискли активлар, бошқа банкларга берилган кредитлар, бошқалар учун банк берган гаров ва кафолатлар, бу активлар бўйича риск 50%га тенг.

4-гурух Энг юқори даражадаги рискли активлар:

қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олиш счёти, сотиб олинган векселлар, траст ҳужжатлар ва аккредитивлар бўйича миждозларнинг мажбуриятлари, суд жараёнида бўлган кредитлар, аккредитивлар, форвард, банк ва банклараро сотиш ва сотиб олиш.

Бу активлар бўйича риск даражаси 100%.

Даромад келтиришига қараб банк активлари даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади.

Даромад келтирувчи активларга:

- Барча берилган кредитлар
- Инвестициялар (ўзиники)
- Ҳазина векселлари.
- Давлат облигациялари.
- қимматли қоғозлар

Даромад келтирмайдиган активлар:

- Пул активлари гурухи
- Асосий воситалар
- Капитал ҳаражатлар

- Барча моддий активлар
- Номоддий активлар

Даромад келтирмайдиган активларни шартли равишда деб белгилаймиз ва уларнинг даражаси умумий активларнинг хажмидан 3% ошмаслиги лозим.

Агарда бундай активлар ўрнатилган нормадан миқдорда 2 ва ундан ортиқ марта кўп бўлса, банк фаолияти жуда муаммоли, унинг кредит сиёсати жуда заиф деб баҳоланади.

Тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва активлар баҳосини белгилашнинг асоси бўлиб унинг баланси ҳисобланади. Баланс асосида тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилишда бир марта бўладиган ҳаражатлар ёки даромадларни алоҳида ҳисобга олган маъқулдир. Чунки бу бир марталик бўладиган тушум ёки ҳаражат банк фаолиятининг олиб борилиши унинг ликвидлилиги кўрсатмаслиги мумкин.

Буларни нейтрал ҳаражатлар ва нейтрал даромадлар дейилади.

Нейтрал ҳаражатлар

- Бир марталик тўловлар (ёнгин, пул угирлиш)
- Банк бизнесига тааллуқли бўлмаган тўловлар.
- Ўтган даврдаги фоизлар бўйича ҳаражатлар.

Нейтрал даромадлар:

- Бир марталик тушумлар
- Ўтган даврдаги фоизлар бўйича тушумлар
- Банк бизнесига тааллуқли бўлмаган тушумлар

Банкларнинг асосий даромад келтирувчи операциялари кредит операциялари ҳисобланади. Шу сабабли банк кредит операциялари бўйича оладиган даромади ва у бўйича риск даражасини аниқлаши лозим.

Банклар кредит беришда ўз капиталига тўғри келиши мумкин бўлган фоиз ставкасини ҳисоблаши керак Чунки банк капиталига тўғри келувчи фоиз ёки фойда нормаси банк ликвидлилигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Банк ўзи берадиган кредитнинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун банкда амалга ошириладиган ҳар бир операция билан боғлиқ ҳаражатларни аниқлаши лозим. Бу эса ҳар бир операция учун сарфланадиган вақтни аниқлашни талаб қилади. Операцияни амалга ошириш учун кетадиган вақт аниқ бўлиши учун бу жараён 2-3 ҳафта ,1 ой давомида ёзиб борилиши: ҳар бир операция вақти, минутлари хронометрик йул билан ўлчаниши керак

Шундай қилиб, банк rischi иқтисодий riskларнинг бир қисмини ташкил қилиб, банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади.

Банк фаолиятига бошқа омилларнинг таъсири, уларнинг натижасини ҳисоблаш имкониятининг мавжудлиги ва бир турдаги riskнинг турли шароитда бўлиши, уни турлича қабул қилиш ва ҳисоблай олиш унинг юзага келишининг субъектив сабаблари ҳисобланади.

Банк фаолиятининг risk билан боғлиқ бўлиши ҳаражатлар, зарарлар ва йўқотишлар каби категорияларнинг доимий учраб туриши ва улар банк амалиётининг кунлик мониторингида бўлишини тақозо этади. Ҳаражатлар, зарар, йўқотишлар ўз ўзидан risk ҳисобланмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг моҳиятига эга.

Банкнинг зарар кўриши-банк фаолиятида учрайдиган riskларнинг олдини ололмаслик натижасида юзага келади. Банк фаолиятида riskлар келажакда амалга ошириладиган операцияларни таҳлил қилмасликҳолатни яхши ўрганмаслик бозор имкониятларига тўғри баҳо бера олмаслик банк фаолияти учун салбий натижаларига олиб келиши мумкин.

1.3.Узбекистон Республикаси тижорат банклари рискларини бошқаришнинг ҳукукий асослари.

Ушбу бобда республикада тижорат банкларининг рискларини тартибга солишнинг иктисодий-ҳукукий асосларини таҳлил қиламиз.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тугрисида» ги қонунга (1995 йил 21 декабрь) мувофиқ Марказий банк банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарлар урнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишга доир талабларни белгилаш, ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва тамойилларини аниқлаш ваколатига эгадир.

Шунингдек ушбу қонуннинг 52-моддасига мувофиқ Марказий банк томонидан банклар учун мажбурий бўлган нормативлар, хусусан:

- бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг қўп миқдорини;
- йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг қўп миқдорини;
- активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операцион харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган заҳираларни шакллантиришни;
- қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқиш ва уларни банк даромадлари ҳисобварақлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни;
- банк томонидан қўрсатиладиган лизинг хизматларининг энг йирик қийматини;
- банк томонидан қимматли қўғозларга қўйилмаларининг энг қўп миқдорини;

Банк бир қарз олувчи ёки бир гуруҳ узаро алоқадор қарз олувчиларга, 1-даражали капитал ҳажмидан таъминланган ссудалар бўйича - 25%

таъминланмаган ссудалар буйича - 5% чегараларида кредит беришнинг лимит чекланишлари оркали ликвидликни йукотишлар усишни камайтириш чораларини куради. Барча йирик кредитлар суммаси жамланмаси 1 даражали капиталнинг 8 баробаридан ошмаслиги лозим.

Банк томонидан курсатиладиган лизинг хизматларининг умумий мивдори (авиализингдан ташкари) Банк 1-даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак

Мазкур чекловлар куйидаги холларда татбик этилмайди:

а) кимматбахо когозларнинг ва кафолатларнинг бозор киймати кредитларни 125 фоизга коплай оладиган булиб, давлат кимматбахо кргозлари, Узбекистан Республикаси Хукуматининг кафолати ёки бошка мажбуриятлари билан таъминланган кредитлар;

б) кредит берган банк томонидан навд депозитлар билан таъминланган сумлардаги ёки Иктисодий хамкорлик ва ривожланиш ташкилоти иштирокчилари мамлакатлари валютасидаги кредитлар берилган холда;

в) сотиб олувчи банк дастлабки кредитни берган банк сифатида туланмаган карзлар буйича таваккалчиликни тулик уз зиммасига олганда кредитнинг хаммасини ёки унинг бир кисмини бошка банкка регресс (кдйта сотиб олиш мажбурияти) хукукисиз сотиш пайтида. Иштирок этиш тукрисидаги шартнома карзлар туланмаган холда хар бир банк инвестицияларига мутаносиб тарзда таваккалчиликни таксимлаш тартибини камраб олиши лозим. Сотиб олувчи банк харид килган кредитнинг бир кисми Марказий банк белгилаган чекловлар ва юзага келиши мумкин булган йирик зарарлар суммаси буйича чекловларга тугри келиши керак.

Шунингдек банкка дахлдор шахсларга бериладиган кредитнинг энг юкори суммаси буйича хам иктисодий меъёрлар урнатилади. Бунда, Банкка дахлдор шахсларга бериладиган битта

кредитнинг умумий ҳаджи бир ёки узаро дахлдор қарз олувчилар гуруҳига бериладиган битта кредит таваккалчилигининг максимал миқдорига нисбатан тартибга солинади. Банкнинг барча дахлдор шахсларга берган кредитларининг умумий суммаси банкнинг биринчи даражали (асосий) капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги керак

Банк томонидан қимматли қозғаларга қўйилмаларни амалга оширишда қўйидаги чекловлар белгиланади:

а) банкнинг бир қорхона устав капиталига, шунингдек ушбу қорхонанинг бошқа қимматли қозғаларига қўйилган қўйилмаси миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу меъёр бир эмитентнинг ҳам "Инвестициялар" банкнинг қорхона устав капиталига ва унинг қимматли қозғаларига қўйилмаларининг энг юқори қийматини белгилайди. Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятидаги рисклар, хусусан, кредитнинг рискларини бошқаришга нисбатан минимал талаблар Марказий банк Бошқаруви томонидан 2011 йил 7 майда 14/2 - сонли қарор билан тасдиқланган "Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тугрисида"ги қонунга мувофиқ; белгиланади.

Унга мувофиқ тижорат банклари рискларни бошқаришда:

- банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг узига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишлари;

- банк рискларини бошқариш вазифалари юқланган таркибий бўлинмани ташкил этишлари;

- банк рискларини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлашлари;

- банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқа урнатишда, инвестицияларни жалб қилишда, чет эл валютасидаги маблағларни активларга жойлаштиришда, янги

ходимларни ишга қабул қилишда ва бошқа банк рисклари юзага келиши мумкин бўлган банк операцияларини амалга оширишда банк рискларини бошқариш бўлинмаси билан келишишлари талаб этилади.

Ўзбекистан Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги тасдиқданган 422-сонли "Бир қарздор ёки узаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тугри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тугрисида"ги Низомига мувофиқ бир қарздорга ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит миқдорига қуйидаги суммалар киритилади:

- кредитнинг асосий суммаси (ссудалар, қафолатлар, акцептлар ва аккредитивлар, молиявий лизинг, факторинг ва репо операциялари) ҳамда «қузда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларида акс эттирилган мажбуриятлар ва ҳисобланган фоизлар;

- молиялаштиришга доир барча юридик жихатдан боғлиқ мажбуриятлар;

- овердрафтлар (мижозларнинг жамғарма ҳисобварақларидаги дебет қолдиқлари);

балансдан чиқариб ташланган ("ишончсиз" деб тавсифланган) барча суммалар (қарздорнинг тулаш мажбурияти у банкрот деб эълон қилинганлиги натижасида юридик жихатдан бекор қилинган доллар бундан мустасно).

Ҳар қандай бир қарздор ёки узаро алоқадор қарздорлар гуруҳининг балансдан ташқари мажбуриятларини ҳам ҳи обға олган ҳолда, кредитлари жами суммаси I даражали банк регулятив капиталининг 10 фоиздан ошган ҳолат йирик кредит деб ҳисобланади. Ҳар бир банк кредитларга доир юзага келиши мумкин бўлган барча йирик зарарлар тугрисидаги маълумотни ҳар ойда бир маротаба Марказий банкка тақдим этиши керак.

**Ўзбекистан Республикаси Марказий банкининг тижорат
банкларининг кредит операцияларига нисбатан иктисодий¹¹**

Курсаткич	Меъёрий даражаси
Бир карздор ёки узаро дахлдор карздорлар	Кредит суммаси /I даражали капитал < 25 %
Бир карздор ёки узаро дахлдор карздорлар	Кредит суммаси /I даражали капитал < 5 %
Жами йирик кредитлар	Барча йирик кредитларининг умумий ҳажми/ I даражали капитал < 800
Жами лизинг операциялари	Жами лизинг суммаси / I даражали капитал <
Жами дахлдор шахсларга берилган кредитлар	Жами кредитлар суммаси /I даражали капитал < 100 %

Бу маълумот банкда юзага келиши мумкин булган йукотишлар мавжуд булган ҳар бир карздор ёки узаро дахлдор карздорлар гуруҳи тугрисида қуйидаги тафсилотларни ўз ичига олиши керак: ҳар бир карздорнинг номи, карздор туламаган банк кредитининг умумий суммаси ва узаро дахлдор карздорлар гуруҳи туламаган кредитнинг умумий суммаси. Шунингдек маълумотга банкнинг юзага келиши мумкин булган барча йирик зарарлари умумий суммаси ҳам киритилиши лозим.

Ўзбекистан Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон "Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин булган йукотишлар урнини коплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш" тартибига мувофиқ тижорат

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

банкларининг кредит қўйилмалари таснифланади ва улар бўйича махсус захиралар шакллантирилади.

Кредитни таснифлаш тизими қуйидаги мезонлар бўйича қарздорни баҳолашдан бошланади:

- тенденция ва тармок (иқтисодий сектор) келажаги;
- қарздорнинг молиявий ахволи;
- миқдорнинг кредит тарихи;
- муайян лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши;
- қорхонадаги менежмент сифати.

Банк активлари қуйидаги тоифалар бўйича таснифланади: яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПК-1438-сонли Қарорининг 1-илоvasи 32-бандида, банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмини жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашни кузда тутган ҳолда банклар активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йул қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи қоралар қабул қилиш белгиланган. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил 10 сентябрда Марказий банк Бошқарувининг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йукотишларни коплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига узгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тугрисида»ги 26/1-сонли қарори қабул қилинди.

Марказий банкнинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йукотишларни коплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби»га киритилган узгартиришлар ва қўшимчалар да, жумладан қуйидагилар ифодаланган.

-Марказий банкда тижорат банки активлари буйича эхтимолий йукотишларни коплаш учун захираланадиган мажбурий захира депозити ташкил килинди ҳамда ушбу мажбурий захира депозитига тижорат банклари уз активлари буйича эхтимолий йукотишларга карши шакллантирилган махсус захиралар суммасига тенг микдордаги маблагларни вакиллик хисобварақларидан утказиб бориш талаби куйилди.

- Мажбурий захира депозитига утказилиши лозим булган маблаглар микдори хар ойнинг 10, 20-саналари ва ой якуни буйича шакллантирилган активлар буйича эхтимолий йукотишларга карши захира суммасидан келиб чикиб кайта хисоб-китоб килинади.

- Хисоб-китоб натижаларига кура, уч иш куни мобайнида тижорат банклари махсус захиралар суммасига етмаётган микдордаги маблагларни мажбурий захира депозитига утказиши ёки тижорат банкларининг асослантирилган мурожаатига кура Марказий банк томонидан ортикча маблаглар банкларга кайтарилади.

Шунингдек янги киритилган узгартиришларга кура, Марказий банк тижорат банклари кредит портфелини тахлил килган холда, тижорат банкларига кушимча равишда активлар буйича эхтимолий йукотишларга карши захиралар шакллантириш юзасидан ижро этилиши мажбурий булган курсатмалар юбориши мумкин.

Ўз навбатида, агар тижорат банклари юкорида келтирилган талабларига амал килмаган такдирда, Марказий банк мажбурий захира депозитига утказилиши лозим булган маблагларни банкнинг Марказий банкдаги вакиллик хисобварағидан ундириб олади ва банкка нисбатан Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикасининг Марказий банки тугрисида»ги Конунининг 53-моддасига мувофик тегишли чора ва санкцияларни қўллайди.

Бундан ташқари, янги киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга кўра, банк томонидан ажратилаётган барча кредитлар бўйича тўловлар

кредит шартномасининг бутун амал қилиш муддатига тақсимланган ҳолда бўлиб-бўлиб тўланиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қоида банкларда муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишига йул қўймаслик юзасидан огохлантирувчи белги сифатида хизмат килади.

Шу билан биргаликда, киритилган узгартиришлар кура, тижорат банклари уз активлари сифатини таснифлаш бўйича бир катор янгиликлар киритилди.

Жумладан, эски қоидаларга кўра, 30 кунгача тулов муддати утган кредитлар «стандарт», 90 кунгача тулов муддати утган кредитлар «субстандарт» ва 180 кундан ортик кунга тулови кечиктирилган кредитлар «умидсиз» сифатида таснифланган бўлса, янги тартибга кура шартнома муддатида туланмаган ва график бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича оралик туловлар 180 кундан кечиктирилган барча кредитлар «умидсиз» сифатида таснифланади.

Бундан ташқари, суд жараёнидаги активлар, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлиги ва туловга қобилиятсизлиги сабабли тулов муддати узайтирилган активлар ҳамда банк фаолиятида фойдаланилмайдиган, муаммоли кредитларни қоплаш учун олинган мулклар, улар банк балансига олинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган активлар ҳам «умидсиз» сифатида таснифланади.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан муаммоли кредитлар юзага келишини олдиндан пайкаш тизимини такомиллаштириш зарур. Бинобарин, кредитларнинг сундириш муддати келиб, қарздорнинг кредитни қайтаришга қодир эмаслиги маълум бўладиган бўлса, банкнинг ушбу муаммони олдини олиш имконияти пасайиб, маълум миқдорда зарар қуриши мумкин.

Ҳозирги кунда тижорат банклари кредитларини таснифлашда асосий эътибор таъминотнинг сифати, қарздорликни сундириш графиги ва қарздорнинг молиявий ҳолатига қаратилмоқда. Бироқ халқаро тажриба қурсатишича, банкларнинг кредит рискинни бошқариш самарадорлигини

ошириш мақсадида кредит портфелини баҳолашда катор қушимча омиллар ҳам ҳисобга олинади. Жумладан, бундай омилларга кредитнинг мақсадли йуналтирилганлиги; кредитнинг муддати ва қайтариш шартлари; қарз олувчи тугрисидаги ахборотнинг сифати; қарз олувчининг таъсифи (фаолият юритувчи тармок мулкчилик шакли, иқтисодиётни тегишли тармогининг ривожланиш истикболлари, рақобат, қарз олувчининг стратегик режаси ва бошқалар); кафилият ва қарздорларнинг сифати; кредитнинг баҳоси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Фикримизча, республикада банк тизимида кредитларни таъсифлаш жараёнида ҳисобга олинган омилларни миқдорини ошириш банклар томонидан кредитларни қондириш истикболларини баҳолаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Марказий банк Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 27/7-сонли қарори билан таъдиқланган "Ғоиз устирмаслик тугрисида"ги Низомга мувофиқ тиҷорат банкларининг суъбстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитлари буйича ғоизларни ҳисоблаб бориш тўхтатилади.

Шунингдек қайтариш муддати 1 йилгача булган кредитлар буйича асосий суммани қайтариш ёки унинг ғоизини тулаш 60 кун ва ундан ортик муддатга кечиктирилганда; қайтариш муддати 1 йилдан ортик булган кредитлар буйича асосий суммани қайтариш ёки унинг ғоизини тулаш 90 кун ва ундан ортик муддатга кечиктирилганда ғоизларни ҳисоблаб бориш тухтатилади.

Банк активларига "ўстирмаслик" мақоми берилгандан сўнг ғоизли даромадларни баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилади. Барча ҳисобланган, лекин олинмаган ғоизли даромадлар баланс ҳисобварақларидан кузда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига утказилади ва кейинги ғоизлар ҳисобланиши кузда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида амалга оширилади. Ушбу активлар буйича барча кейинги туловлар биринчи навбатда ҳисобланган, лекин олинмаган ғоизли даромадларни, кейин эса кредитнинг асосий суммасини қоплашга йуналтирилади.

Таъкидлаш лозимки, активларни устирмаслик макомининг берилиши, карздорларни ушбу карзлар буйича хисобланган фоизларни, шунингдек уларга устирмаслик макоми берилгандан кейин кузда тутилмаган ҳолатлар хисобварақларида хисобланган фоизларни тулаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шунингдек муддати утган фоизларни капиталлаштириш оркали асосий карз суммасига кушиб юборишга йул қуйилмайди.

Банкка фоизлар ва асосий карз буйича муддати утган карздорликлар туланганидан кейин, маълум давр мобайнида, яъни миждознинг камида 90 кун мобайнида уз вақтида ва қайтариш жадвалига мувофиқ банк фойдасига туловларни амалга оширишни давом эттириш оркали талабларини қоникарли бажариши кредитни устириш мақомига тиклаш тугрисида қарор қабул қилишга асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган "Банкларнинг кредитлари буйича карздорлик уз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни карздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби"га мувофиқ агар карздор кредит буйича уз мажбуриятларини вақтида бажармаган тақдирда гаровга қуйилган мол-мулк қиймати кредитор банкнинг талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, ундирув карздорларнинг гаровдан бўш бўлган бошқа, ликвидли мол-мулкига қаратилади.

Карздорнинг пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, кредитор банк кредит буйича карздорликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган ва нотариал тасдиқданган ёзма битим асосида карздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига, ёхуд ундирувни суд тартибида карздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йули билан қайтаришга ҳақлидир.

Карздор томонидан кредит буйича карз пул маблағлари етишмаслиги сабабли уз вақтида туланмаган тақдирда кредитор банк карздорни кредит буйича қарзни унинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш буйича уз

мулжали тугрисида, карзни узиш хисобига қабул қилишга рози бўлган мол-мулк турларини қурсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Қарз олувчи, уз навбатида, билдиришнома олинган кундан бошлаб 15 кундан кечикмай кредитор банкка ёзма жавоб юбориши шарт. Қарздор рози бўлмаган тақдирда кредитор банк кредит бўйича қарзни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тулатиш мақсадида қарздорнинг ликвидли мол-мулкига ундиришни қаратиш тугрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Қарздорнинг ликвидли мол-мулкни сотиш қонун ҳужжатларида ва битимда белгиланган тартибда очик савдолар утқазиш орқали амалга оширилади.

Агар мол-мулкни сотишдан тушган сумма кредитор банк талабларини қоплаш учун етарли бўлмаса, қонун ҳужжатларида ёки битимда бошқача қурсатма бўлмаса, у етишмаган сумманинг қарздорнинг бошқа мол-мулкidan умумий асосларда олиш ҳуқуқига эгадир.

Кредит рискинни қамайтириш усулларида бири - кредитни синдикатлашган асосда бериш ҳисобланади. Республикамизда йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлаш амалиёти Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/4-сонли қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тугрисида"ги Низом асосида тартибга солинади.

Ушбу Низомга мувофиқ умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси йирик инвестиция лойиҳаси ҳисобланади. Бунда синдициялашган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади. Синдициялаштирилган кредитлашда ташаббус билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юқлатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат

курсатувчи банк етакчи банк хисобланади. Етакчи банк томонидан муаммоли кредитни пайдо булишини олдини олишга каратилган чора-тадбирлар бошка иштирокчи-банклар билан келишилган холда амалга оширилади.

Шунингдек етакчи банк кредит хужжатларини нотугри расмийлаштириш, юзаки мониторинг утказиш, иштирокчи банкларга кредит кайтарилиши билан боглик булган муаммолар борлиги хакида маълум килмаслик карз олувчининг депозит хисобракамида маблаглари булган такдирда, кредитларни кайтариш учун маблагларни уз вактида утказмаганлик каби хатти-харакатлар буйича жавобгарликни уз зиммасига олади.

Тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини самарали ташкил этишда Марказий банк Бошкарувининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон карори билан тасдикланган (Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 905-сонли ракам билан руйхатга олинган) "Тижорат банклари кредит сиёсатига куйиладиган талаблар тугрисида"ги Низом мухим ахамият касб этади. Низомга мувофик банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк рахбарияти томонидан кабул килинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи хамда банк рахбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир курсатмалар билан таъминловчи хужжатдир. Айни чоғда, кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти максадларини аник курсатиши ва аниклаб бериши шарт.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари кредит сиёсати алохдда хужжат сифатида ишлаб чикилади ва банк Кенгаши томонидан тасдикланади. Бу уринда кредит сиёсатини ишлаб чикиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошкаруви аъзолари, банкнинг бошка мансабдор шахсларига юклатилиши мумкин.

Шунингдек кредит сиёсати кредит бериш жараёнига жалб этилган кредит ходимининг лавозими ва ваколатларига караб уларнинг хар бири учун кредитлаш борасида карор кабул килиш ва кредит микдорини чеклаш

тартибини белгилаб беради. Кредитлаш учун масъул булган барча шахслар ваколатлари кредит сиёсатида кайд этилади.

Бундан ташқари, кредит сиёсатида банк томонидан бериладиган кредитлар тоифалари ва турлари аниқ курсатилиши лозим. Жумладан, кредитлаш сохалари буйича: саноат, кишлоқ хужалиги, қурилиш ва бошқалар. Кредит турлари буйича: кредит линиялари орқали кредитлаш, ломбард ва вексель кредитлари ва бошқалар. Кредит сиёсати кредитлашнинг турли курсаткичлари буйича кредитларнинг тупланиши даражасини аниқлаш ва уни мониторинг қилиш тугрисидаги талабларни ўз ичига олиши зарур. Кредит сиёсати мунтазам равишда раҳбариятга топшириладиган тегишли ҳисоботларни тайёрлашга дойр талабларни белгилаши лозим.

Кредит сиёсати муайян турдаги қимматликлар (қучмас мулк автомобиллар ва б.) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тупламини расмийлаштириш чораларини белгилаши лозим. Банк кредит сиёсатида гаров кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ кредитни тулаш манбаси (нақд пул ёки давлат қиска муддатли облигациялари (ҳазина векселлари) билан таъминланган кредитлар бундан мустасно) ҳисобланган ягона асоси бўлмаслиги белгилаб қўйилиши зарур.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим. Кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум булган салбий ўзгаришлар тугрисида раҳбариятга хабар беришлари керак. Қдрздор ёки гаров ахволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайитириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати банк хизматлари ва бўлинмалари томонидан Банк Бошқаруви ва Кенгашига кредитлашнинг турли жиҳатлари буйича топшириладиган ҳамда кредит портфели сифати ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ булган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгилаши лозим.

Хозирги кунда мамлакатимизда хужалик субъектларининг кредитга лаёкатлилигини тижорат банклари мустакил баҳолайдилар. Мижознинг кредитга лаёкатлилиги асосан куйидаги коэффициентлар оркали баҳоланади:

- ликвидлилик коэффициенти;
- коплаш коэффициенти;
- мухторлик коэффициенти ва кушимча курсаткичлардан айланма

маблаглар ҳолати ва айланиш коэффициентлари аникланади.

Шунингдек пул оками, таъминот, иктисодий шароитлар, карз олувчини баҳолаш буйича ҳам баллар белгиланади.

Шунингдек республикаимиз тижорат банклари амалиётида хужалик субъектининг кредитга лаёкатлилигини аниклашда юқорида кайд этилган курсаткичларнинг даражаларига кура карз олувчиларни синфларга ажратиш услуби ҳам ривожланган. Бунда мијознинг кредитга қобиллиги 3 та синф буйича таснифланади. Биринчи синфга тааллуқли бўлган мијозлар умумий тартибда кредитланади. Шунингдек улар имтиёзли, ишончли кредитларни ҳам олишлари мумкин. Иккинчи синфга оид мијозлар қандайдир салбий курсаткичларга эга бўлса, улар устидан назоратни қучайтириш мақсадида гаров ҳуқуқини қучайтириш, фоиз ставкаларини ошириш, кредит миқдори ва ундан фойдаланиш муддатларини чегаралаш каби қушимча чоралар қурилиши мумкин.

Учинчи синфга мансуб мијозлар кредитга лаёқатсиз ҳисобланади ва улар баъзи ҳоллардагина, юқори фоиз ставка ва қатъий мол-мулк гарови остида кредитланиши мумкин. Кредитга лаёқатлилиқ курсаткичлари учинчи синфдан ҳам паст бўлган мијозларни кредитлашга йул қуйилмайди.

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли «Қдрз олувчиларнинг кредит тарихи тугрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарорига асосан Марказий банк ҳузурида Кредит Ахбороти

Миллий Институтининг (КАМИ) ташкил килиниши банкларнинг кредит риски билан боглик муаммоларини камайтиришда мухим кадам булди.

Ушбу институтнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар хисобланади:

- тижорат банклари ва уларнинг карз олувчилари кредит операциялари, карз олувчиларнинг мажбуриятларини таъминлаш турлари тугрисидаги маълумотларни туплаш ва тахлил килиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

- Узбекистан Республикаси Марказий банки томонидан банк назорати функцияларини амалга ошириш, кредит сиёсатидаги узгаришларни ^{ва} тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини тахлил этиш мақсадида кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш;

- шартнома асосида тижорат банкларига ва кредит-ахборот бюроларига кредит ахбороти бериш.

Бундан ташқари, Узбекистан банклари ассоциациясининг "Кредит-ахборот бюроси" шубба корхонаси юридик шахе ҳуқуқига эга булган ташкилот - Банклараро кредит бюросига айлантирилди.

Ушбу бюро фаолиятининг асосий йуналишлари булиб куйидагилар хисобланади:

- тижорат банкларининг карз олувчилари - жисмоний ва юридик шахслар тугрисида уларнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур булган маълумотлар базасини шакллантириш ва ахборотларни тахлил килиш;

- реал сектор корхоналари фаолиятини тахлил этиш ва карз олувчиларни рейтинг баҳолаш тизимини шакллантириш;

- шартнома асосида банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига, шунингдек карз олувчиларнинг узига уларнинг суровномалари буйича карз олувчиларнинг кредит тарихи тугрисидаги маълумотларни бериш.

Фикримизча, ушбу институт ва бюронинг ташкил килиниши тижорат банкларининг кредит операциялари ҳамда кредит муносабатларида дуч келадиган кредит рисклари даражасини сезиларли даражада пасайтиради.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистан Республикаси марказий банкига Ўзбекистан банклари ассоциацияси, тижорат банклари билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналар харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича таъминотни тақдим этиш учун Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қаролатлаш фондини ташкил этиш тугрисидаги қарорларни Вазирлар Мақоамасига қиритиш вазифаси белгиланди.

Қиримизча, ушбу фонднинг ташкил этилиши тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратадиган кредитлар бўйича ликвидли гаров этишмаслиги муаммосини ҳал қилиш, шунингдек ушбу кредитлар бўйича риск даражасини қарайтириш имконини беради.

2011 йилнинг 4 октябрида мақолатимиз Президенти томонидан "Кредит ақбороти алмашинуви тугрисида"ги Қонун имзоланди.

Қабул қилинган Қонун кредит битимининг ҳрлати, берилган таъминот бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек кредит ақбороти субъектининг кредит қрбилиятини, молиявий ҳолатини, тулов қобилиятини, тулов интизомини ва узга сифатларни аниқлашга қулақлашувчи амалий тизимни яратишга йуналтирилган. Бундан ташқари, Қонунда кредит ақбороти алмашинуви жараёнига нақадат тижорат банклари, балки бошқа кредит ташкилотлари, ҳужалик субъектлари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари, шунингдек лизинг ташкилотлари ва сугурта қулақларининг ҳам иштирок этиши қузда тутилган.

II Боб. Тижорат банклари фаолиятида рискларини ҳисоблаш усуллари ва уларнинг амалиётга тадбири.

2.1. Банк рискларини ҳисоблаш усуллари ва йуналишлари

Банкнинг молиявий рискларини баҳолаш усулларида барчаси икки тоифага бўлинади: алоҳида операциялар рисклари оқибатини баҳолаш ва жами рискларни баҳолаш.

Моделларнинг биринчи тоифаси банк контрагентларига ички рейтинг бериш усуллари, бозор VaR молия инструментлари ва операцион рисклар журнали билан ифодаланган.

Моделларнинг иккинчи тоифаси илмий адабиётда ва банкларнинг амалий фаолиятида жуда оз ўрганилган. Жами рискларни баҳолашнинг энг кўп қўлланиладиган ечими – бу Базель I ва Базель II стандарт моделларидан ва Россия Банкининг капитал етарлилигини баҳолаш бўйича шунга ўхшаш тавсияларидан фойдаланишдир.

Олдин таъкидлаганимиздек бу моделларда қатор камчиликлар бор бўлиб, улар муайян банк фаолиятининг ўзига хос тарафларини инобатга олмайди, фақат кредит ташкилотлари рискларини ўртача бозор баҳосини экстраполяция қилади. Шу сабабдан, Базель II лойиҳаси доирасида жами кредит, бозор, операцион рискларини рисклар бўйича тарихий маълумотлар ва кредит ташкилотининг бошқа характеристикалари асосида баҳолаш бўйича ўз илғор моделларини яратиш бўйича тавсиялар пайдо бўлди. Бироқ, бу таркибий қисмларни жами тахлиа кўрсаткичига интеграциялаш учун яна ўша стандарт формула таклиф этилади (унча тўғри эмас, чунки VaR кўрсаткичлари жамланма кўрсаткич эмас).

Базель II ғоясини ривожлантирган ҳолда муаллиф жами рискни баҳолаш моделини тузишни фойдали деб топди ва унинг ичидан таснифлаш жараёнида аниқланган молиявий риск таркибий қисмларини ажратади ва уларни юзага келтирувчи турли омилларни акс эттиради. Молиявий

бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун эса, мазкур модель ҳам банк фаолиятининг, ҳам БХТАЎда келтирилган унинг сегментлари рискларини баҳолаш имкониятини таъминлаши лозим.

Хуллас, банкнинг жами рискларини жорий (кредит, фонд (нарх), фоиз, валюта ва операцион) рисклар, бизнес-рисклар йиғиндиси тарзида ифодалаш мумкин:

$$PL = \sum_h PL_{krh} + PL_r + \sum_j PL_{cj} + \sum_i PL_{pi} + \sum_k PL_{ok} + \sum_l PL_{bsl} + \sum_l PL_{bpl} + \sum_l PL_{bcl} + \sum_m PL_{prcm} + \sum_m PL_{prsm} \quad (4)$$

бу ерда PL – жами рискларнинг мутлақ катталиги;

PL_{krh} – h -го турдаги активлар учун кредит rischi мутлақ катталиги;

PL_r – фоиз rischi мутлақ катталиги;

PL_{cj} – j -нчи валюта учун валюта rischi мутлақ катталиги;

PL_{pi} – i -го инструмент учун фонд (нарх) rischi мутлақ катталиги;

PL_{ok} – фаолиятнинг k йўналиши учун операцион риск мутлақ катталиги;

PL_{bsl} – 1-маҳсулот учун бизнес-риск мутлақ катталиги;

PL_{prcm} – m -нчи маҳсулот учун смет-лойиҳа rischi мутлақ катталиги;

PL_{prsm} – m -нчи маҳсулот учун бозор лойиҳа rischi мутлақ катталиги.

Жами рисклар катталигини тақсимлаш функциясини тузиш учун биз кредит, бозор, операцион ва бизнес-рисклар тақсимланишини молиявий рискларнинг алоҳида портфеллари нуқтаи назаридан баҳолашимиз, сўнгра уларнинг ўрамларини ҳисоблаб чиқишимиз (бир неча тасодифий катталиклар йиғиндисининг тақсимланиши математикада шундай аталади) зарур.

Рисклар тақсимотини тузиш учун иккита қийматдан фойдаланишни назарда тутадиган ягона ёндашувдан фойдаланамиз: тасодифий қиймат бўлган ҳамда рискга мойил, битта позиция бирлигига тўғри келадиган

молиявий натижа ўзгариши сифатида ифодаланадиган риск омили нисбий ўзгаришидан; мазкур позициянинг аниқ қийматидан. Рисклар тақсимотини тузиш учун шу иккала омил кўпайтмаси кўринишидаги қийматдан фойдаланилади:

$$\Delta OP^t = \frac{dFR^t}{FR^t} * PR_{FR}^t \quad (5)$$

бу ерда ΔOP^t – операцион даромад ўзгариши (риск);

$\frac{dFR^t}{FR^t}$ – t вақтда риск омили қийматининг нисбий ўзгариши;

PR_{FR}^t – рискга мойил позиция.

Рискнинг бу тарзда тақдим этилиши VaR ҳисоб-китоблари учун риск омили нисбий ўзгаришининг қуйидаги аппроксимациясидан фойдаланиш имкониятини беради:

$$\frac{dFR^t}{FR^t} \approx \ln\left(1 + \frac{dFR^t}{FR^t}\right) = \ln\left(\frac{FR^{t+1}}{FR^t}\right) - Z^t \quad (6)$$

Тажрибадан маълумки, $\ln\left(\frac{FR^{t+1}}{FR^t}\right)$ тасодифий катталиги кўпинча $N(0, \sigma^2)$ нормал тақсимланишига эга, бу эса рискларни баҳолаш моделида дельтанормал методологиядан фойдаланиш имкониятини беради.

Агар кўрилаётган даврда Z^t риск омили қийматлари мажмуи нормал тақсимотдан терма деган тахмин тасдиқланмайдиган бўлса, бизни қизиқтираётган тақсимотнинг EAR ва VAR қийматларини аппроксимация қилувчи бошқа моделлар тузиш мумкин. Замонавий риск-менежмент назариясида бу масалани ҳал этиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

3. тарихий (терма) усул
4. параметрик усуллар, шу жумладан: дельта-нормал методология ва унинг модификациялари;
5. бошқа параметрик тасодифий тақсимотлар асосида тузилган моделлар;
6. стохастик моделлаштириш усули (Монте-Карло усули).

Таъкидлаш жоизки, рискларни тақсимлашни аппроксимация қилиш учун у ёки бу усулларнинг қўлланилиши эҳтимолликлар назарияси ва математик статистикада ишлаб чиқилган мезонлардан фойдаланилган ҳолда асослаб берилиши (верификация қилиниши) лозим.

Олинган баҳо барқарорлигини асослаб бериш яна бир муаммодир. Гап шундаки, риск шунчаки статистик тасодифий катталиқ бўлибгина қолмай, балки тасодифий жараёндир, чунки уни тавсифловчи тақсимлаш вақт оралиғида ўзгаради. Демак рискларга тарихий маълумотлар асосида берилган баҳо умумий ҳолда уларнинг янги қийматларидан сезиларли фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун Базель II да “Амалга оширилган PD, LGD ва EADлар прогноз килинганлардан етарлича катта оғишлар берилган баҳо ҳаққонийлигига шубҳа уйғотадиган вазиятлар учун аниқ фойдаланган ички стандартлар яратиш зарурлиги, ушбу стандартларда ишбилармонлик цикллари ва дефолт даражасининг худди шундай тизимли ўзгарувчанлиги инобатга олиниши кераклиги” таъкидланади.

Турли рисклар тақсимланишини баҳолаш учун иерархик ёндашишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, бу ёндашиш рискни айрим операциялар даражасида дастлабки баҳолашни, сўнгра ушбу кўрсаткичларни агрегация қилишнинг янада юқори даражасига ўтишни назарда тутати. Бу даражада фаолиятнинг айрим йўналишлари, маҳсулотлар ва мижозлар гуруҳига хос рисклар, яъни бошқарув ҳисоби тизимининг алоҳида ўлчовлари (БХТАЎ) акс эттирилади.

Рискларни операция даражасида баҳолашда рискнинг кутилаётган миқдори тўғрисида профессионал фикр-мулоҳазалар шаклланади ва улар Бошқарув ҳисобида зарарни қоплаш учун яратилган захира ёки молия инструментларини бозор нархида қайта баҳолаш тарзида акс эттирилади.

Бир хил инструментлар портфели рискни баҳолашда алоҳида операцияларни захира/қайта баҳолаш миқдори кутилаётган рисклар

кўрсаткичи ва бир вақтнинг ўзида тасодифий ва рискнинг мазкур тури юзага келиши эҳтимолини таснифловчи тақсимлашдан терма деб баҳоланади.

Рискларни агрегация қилиш процедурасини изчил амалга ошириш учун бир операция миқёсида даромадни ўзгартирадиган турли риск-ходислар ва рискнинг ажратилган турлари ўртасидаги шубҳасиз мосликни ўрнатиш муҳим. Бизнинг моделни (4) амалга ошириш учун қуйида келтирилган пул оқимлари оғишларини тўплаймиз ва алоҳида баҳолаймиз:

- жорий операциялар пул оқимлари;
- режалаштирилаётган операциялар пул оқимлари;
- инновацион лойиҳалар пул оқимлари.

Молиявий активлар учун эндиликда кредит ва фонд рискларини фарқлашга доир гипотезани қабул қиламиз. Гап шундаки, бозорда муомалада бўлган молия инструментларнинг кредит рискинни фонд рискдан ажратиш қийин, чунки бозор активлари баҳоси ўзгариши эмитентнинг хусусий (кредит) рисқи ўзгариши оқибати ҳам, тизимли бозор рисқи таъсири оқибати ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун, бозорда муомалада бўлган молия инструментларнинг кредит рискинни фонд рисқи билан қўшиб, уларнинг бозор даромадлилиги ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш асосида ўлчаш, ссуда ва кредитлар портфели кредит рискларини эса ички рейтинглар асосида баҳолаш таклиф этилади.

Бироқ, операциялар рисқи тўғрисида профессионал фикр-мулоҳаза юритадиган шахс бозор баҳолари инструментнинг кредит рискинни етарлича аниқ акс эттирмайди деб ҳисоблашга ҳақли, у БҲМСда назарда тутилган 39-ёндашишдан фойдаланиши мумкин. Бу ёндашувда инструмент ўзининг ўрни тўлдириладиган/адолатли баҳоси бўйича якуний акс эттирилишини таъминловчи захиралар қўшимча равишда ташкил этилиши назарда тутилади. Бундай ҳолатда позиция Бошқарув ҳисобида кредит рискига учраган позиция сифатида ифодаланади ва юритилади.

Шундай қилиб, биз тузган рискларни баҳолаш методология негизида банк ходимларининг молия инструментларининг адолатли баҳоси ўзгариш эҳтимоли тўғрисидаги профессионал фикр-мулоҳазалари ётади.

Энди алоҳида риск турларининг жами қийматини баҳолаш учун рискни намоёиш этишга умумий ёндашишни (5-6) қандай қўллашни кўрсатамиз.

Алоҳида ссудалар ва уларнинг портфеллари **кредит rischi катталиги** бошқарув ҳисоби тизимида тегишли операциялар/операциялар гуруҳи бўйича зарарни қоплаш учун яратилган заҳира кўринишида акс эттирилади:

$$V^t = NR^t * CE^t \quad (7)$$

бу ерда V^t – t вақти бошида яратилган заҳира ҳажми, NR^t – молия инструменти учун заҳира яратиш меъёри; CE^t – Credit exposure – кредит учраган позиция (кредит/кредитлар портфели ҳажми).

Кредит rischi таъсирида даромаднинг маълум вақтда ўзгариши актив операцияларининг маълум тури бўйича зарарни қоплаш учун яратилган заҳиралар ҳажми ўсиши ёки қисқаришига тенг. Демак t вақтда кўрилатган кредит rischi қуйидаги кўринишда бўлади:

$$PL_{kr}^t = dNR^t * CE^t = \frac{dNR^t}{NR^t} * V^t \quad (8)$$

бу ерда PL_{kr}^t – t вақтда кредит rischi (заҳиралар яратилиши натижасида активлар портфелининг тоза баҳоси ўзгариши); dNR^t – вақт мобайнида портфелни заҳира яратиш меъёри ўзгариши; V^t – t вақт бошида яратилган заҳиралар ҳажми.

Шундай қилиб, заҳира яратиш меъёрининг нисбатан ўзгариши кредит rischi омили бўлади, зарарни қоплаш учун яратилган заҳиралар ҳажми эса унинг позицияси бўлади.

Алоҳида операциялар учун заҳира яратиш меъёри профессионал фикр-мулоҳазаларга рейтинг бериш процедураларини амалга ошириш чоғида юзага келадиган рейтинг методикаси асосида аниқланади.

Операциялар кредит рискин баҳолаш усули контрагент/эмитент типига боғлиқ бўлади, уларнинг ичида қуйидагилар ажратилади:

- Россия Федерацияси субъектлари ҳокимият органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари;
- банклар;
- корпоратив контрагентлар ва эмитентлар;
- кичик бизнес субъектлари;
- жисмоний шахслар.

Кредит рискининг ташқи ва ички омилларини (бир гуруҳ омиллар) баҳолашга ва шу рискларнинг контрагентнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларига ишлаш ва уларни ёпиш қобилиятига таъсири даражасидан келиб чиққан ҳолда ички кредит рейтинглари тизимлари контрагентларни кредит рискининг маълум категориясига киритишни назарда тутди.

Риск омиллари:

- контрагентнинг молиявий аҳволи;
- контрагентнинг кредит тарихи;
- контрагентнинг ишбилармонлик обрўси;
- акциядорлик капиталитузилмаси, гуруҳ тузилмаси;
- контрагент тўғрисидаги маълумотлар ошкоралиги ;
- контрагент бизнеси хусусиятлари билан боғлиқ бўлган тақдирда баҳоланиши керак

Баҳолаш натижалари бўйича белгиланган шкала бўйича контрагентга рейтинглардан бири берилади.

Берилган рейтинг асосида кредит риски билан боғлиқ операцияларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш босқичида контрагентлар/ўзаро боғлиқ контрагентлар гуруҳи билан операцияларга лимит белгиланади ва тегишли баланс позициялари очилади. Сўнгра операция ўтказиш чоғида ички рейтинг мониторинги ҳамда шартномада кўзда тутилган ва амалда прогноз

қилинган пул оқимларини таққослаш орқали зарарларни қоплаш учун захира яратиш меъёри белгиланади.

Кредит рискига учрайдиган бир хил активлар портфелини захиралаш меъёрлари қийматларининг нисбий ўзгаришлари бўйича тарихий маълумотлар мажмуини ўрганиб чиқиб, кредит rischi омилини тақсимлаш функциясини тузиш ҳамда EAR ва VAR характеристикаларини баҳолаш мумкин.

Кредит рисклари моделларини тузиш мураккаблиги кредит рейтингларини қайта кўриб чиқиш ҳоллари нисбатан “кам учраши” билан боғлиқ. Агар қимматли қоғозлар котировкасини бозор ҳар куни белгиласа, кредит рисклари ва уларни қоплаш учун зарур захиралар тўғрисида профессионал фикр-мулоҳазалар бир ойда бир марта чиқади.

Муаллифнинг фикрига кўра, бошқарув ҳисоби самарали тизими доирасида мазкур фарқ бартараф этилиши мумкин. Агар банкнинг алоҳида операциялари бўйича пул оқимларининг эҳтимолий оғиши тўғрисида профессионал фикр-мулоҳазалар бошқарув ҳисоби тизимида ҳар куни тузиладиган бўлса, уларга асосланиб, худди шу тартибда кредит rischi омили ҳисобланадиган зарарни қоплаш учун захира ташкил этиш меъёрлари ўзгаришини баҳолаш мумкин.

Алоҳида молия инструментининг (молия инструментлари портфелининг) фонд rischi – бу молия инструментининг адолатли баҳоси мазкур инструментнинг (портфелнинг) бозор баҳоси тебраниши натижасида ўзгаришидир:

$$PL_p^t = dX^t * \text{сон_қоғоз} * \text{номинал} = \frac{dX^t}{X^t} * V^t \quad (9)$$

бу ерда PL_p^t – t вақтда фонд rischi; X^t $[(dX)^t]$ – молия инструменти баҳоси/баҳоси ўзгариши; V^t – t вақти бошида портфель баҳоси.

Бу ерда фонд rischi омили – бу инструментнинг бозор баҳоси/фонд индеси қиймати, позицияси эса – молия инструментлари портфели баҳоси.

Активларнинг битта тури кўрилаётган бўлса, унинг риск омили нисбий ўзгаришлари тақсимланиши t вақтда котировкалар динамикаси асосида баҳоланади.

VAR молия инструментлари портфелини баҳолаш учун унинг rischi қиймати алоҳида инструментлар rischi йиғиндиси сифатида ифодаланади:

$$PL_p^t = \sum_i \frac{dX_i^t}{X_i^t} * V_i^t = V^t * \sum_i \frac{dX_i^t}{X_i^t} * w_i^t = V^t * \sum_i Z_i^t * w_i^t \quad (10)$$

бу ерда V^t – портфелнинг жорий баҳоси; w_i^t – портфелдаги i -ро инструментнинг солиштира оғирлиги; $\frac{dX_i^t}{X_i^t}$ – i -ро инструмент баҳосининг нисбий ўзгариши (даромадлилик).

Бир хил инструментлар портфелининг (акциялар, корпоратив облигациялар ва ҳоказо) жами VaR ини ҳисоблаш ва прогнозлаш учун айрим инструментлар даромадлилигининг фонд индекси “даромадлилигига” боғлиқлигидан фойдаланиш мумкин. Бозор моделига мувофиқ:

$$\frac{dX_i^t}{X_i^t} = \alpha_i^t + \beta_i^t * \frac{dI^t}{I^t} + \varepsilon_i^t \quad (11)$$

бу ерда I^t – фонд индекси динамикаси; α_i^t, β_i^t – тарихий маълумотлар асосида аниқланадиган регрессион модель параметрлари; ε_i^t – модель хатоси.

Ифодадан фойдаланган ҳолда портфел рискин куйидаги кўринишда берилади:

$$PL_p^t = V^t * \sum_i \left(\alpha_i^t + \beta_i^t * \frac{dI^t}{I^t} \right) * w_i^t = V^t * \left(\alpha^t + \beta^t * \frac{dI^t}{I^t} \right) \quad (12)$$

бу ерда $\alpha^t = \sum_i \alpha_i^t * w_i^t$ – портфель "альфа"си; $\beta^t = \sum_i \beta_i^t * w_i^t$ – портфель "бета"си.

Бу ифода инвестицион портфель rischi VaRни унинг таркибига кирадиган алоҳида молия инструментлари riskларини кўп марта баҳолаш ўрнига, фонд индексининг нисбий ўзгаришлари тақсимланиши асосида аниқлаш имкониятини беради.

Юқорида айтганимиздек самарали бозордаги бозор котировкалари risk миқдorigа энг яхши баҳодир, чунки кўплаб мустақил экспертлар томонидан шакллантирилади. Бироқ, реал бозорларни самарали бозор деб бўлмайди, чунки иштирокчилар бир хил ахборотга эга эмаслар ва уларнинг ихтиёрларидаги капитал миқдори ҳам ҳар хил, бу эса йирик ўйинчилар ва компаниялар менежментига бозор баҳосига таъсир ўтказиш имкониятини яратиб беради.

Шунинг учун эмитентлар riskини баҳолаш учун мунтазам равишда жиддий таҳлиллар олиб бориш ва шу таҳлиллар натижаларини бозор баҳолари ўта ўзгарувчанлигини статистик таҳлил қилиш асосида олинган хулосалар билан таққослаш зарур.

Валюта rischi – бу валюта курси ўзгариши натижасида банк молиявий портфели баҳоси ўзгаришидир. Валюта курси ўзгариши – risk омилидир. Бу ҳолатда позиция – битта валютада номиналланган активлар ва пассивлар айирмаси, яъни очик валюта позицияси (ОВП). Бу riskни фонд rischi сингари ифодалаш мумкин.

$$PL_t^c = dC^c * ОВП_в_валюте = \frac{dC^c}{C^c} * V^c \quad (13)$$

бу ерда PL_t^c – t вақтда валюта rischi; C^c – айрим валюта курси (курс ўзгариши); V^c – t вақт бошида белгиланган курс бўйича рублда ифодаланган **очик валюта позицияси**.

Валюталар портфелининг жами VaR баҳолаш учун risk миқдори алоҳида валюта riskлари йиғиндиси сифатида ифодаланади.

$$PL_t^c = \sum_j \frac{dC_j^c}{C_j^c} * V_j^c = V^c * \sum_j \frac{dC_j^c}{C_j^c} * w_j^c = V^c * \sum_j Z_j * w_j^c \quad (14)$$

бу ерда V^t – жами ОВПнинг рублдаги миқдори; w_j^t – ОВПнинг j-нчи валютадаги олиштирма оғирлиги; $\frac{dC_j^t}{K_j^t}$ – j-го валюта курсининг нисбий ўзгариши.

Алоҳида молия инструменти бўйича фоиз rischi ёки баланс позициялари мажмуи – бу тегишли молия портфели баҳосининг бозор фоиз ставкалари ўртача даражаси ўзгариши натижасида ўзгариши бўлиб, ушбу ўзгариш қиймати риск омили ҳисобланади.

Фонд рискига мойил баланс позициялари бўйича фоиз rischi мазкур позицияларни бозор баҳосида қайта баҳолаш жараёнида инobatга олиниши сабабли, фоиз riskини баҳолаш фақат бошқа актив ва passив баланс позициялари бўйича амалга оширилади, ушбу позициялар бўйича белгиланган ставкалар асосида фоизлар ҳисобланади.

Фоиз rischi R_i^t даромадлилик эгри чизиғи силжиши натижасида юзага келади. R_i^t даромадлилик эгри чизиғидан фоиз ҳисобланадиган актив ва passив баланс позициялари ёпилиш муддатлари келишилмаганлиги сабабли, молия инструментлари адолатли баҳосини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Фоиз rischi миқдори дюрация ҳисоб-китоб усулидан фойдаланган ҳолда баҳоланиши мумкин. Баён этилган амалларга мувофиқ, актив ва passив баланс позициялари бўйича пул оқимлари дисконтланган баҳо ўзгаришини қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$PL_r^t = dR^t \cdot \left(-D^t \cdot \frac{1}{1+R^t} \cdot PV \right) = \frac{dR^t}{R^t} \cdot PV^t \cdot \left(-D^t \cdot \frac{R^t}{1+R^t} \right) \quad (15)$$

бу ерда PL_r^t – t вақтда фоиз rischi; $R^t(dR^t)$ – тенгламадан (16) аниқланадиган дисконтлаш самарали ставкаси / дисконтлаш самарали ставкаси ўзгариши; PV^t – t вақтда фоиз ҳисобланадиган баланс позициялари портфелининг дисконтланган баҳоси:

$$PV^t = \sum_{i=1}^N \frac{CF_i^t}{(1+R_i^t)^{i_{\text{баҳо}}}} = \sum_{i=1}^N \frac{CF_i^t}{(1+R^t)^{i_{\text{баҳо}}}} \quad (16)$$

D^t – инструмент/портфель дюрацияси:

$$D^t = \frac{1}{PV^t} \times \sum_{i=1}^N \frac{i}{360} \times \frac{CF_i^t}{(1 + R^t)^{i/360}} \quad (17)$$

Шундай қилиб, фоиз rischi омили – бу портфелни дисконтлаш самарали ставкасининг нисбий ўзгариши, позиция – баланс позициялари портфели дисконтланган баҳосининг дюрацияга кўпайтмаси ҳамда вақт бошида дисконтлаш ставкаси қийматини акс эттирувчи ифода.

$$PV^t * \left(-D^t * \frac{R^t}{1 + R^t} \right) \quad (18)$$

Операцион риск – бу ходимлар хатоси, банк ахборот тизимлари ишидаги узилиш, бошқа технологик узилишлар ва ташқаридан аралашув натижасида юзага келган банк зарари ёки тўлиқ олинмаган даромад. У бошқарув ҳисоби тизимида бошқа операциялар бўйича кўрилган зарарни қоплаш учун яратилган захира кўринишида акс эттирилади. Бу захиралар масъул ходимларнинг профессионал фикр-мулоҳазалари асосида яратилади:

$$V^t = NO^t * OI^t \quad (19)$$

бу ерда V^t – t вақт бошида яратилган захира ҳажми; NO^t – ажратилган риск тури учун операцион даромад захирасини яратиш меъёри; OI^t – t вақтда банкнинг операцион даромади.

Шунда кредит rischi сингари, операцион riskни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$PL_o^t = dNO^t * OI^t = \frac{dNO^t}{NO^t} * V^t \quad (20)$$

бу ерда PL_o^t – t вақтда операцион риск; dNO^t – ажратилган жараён учун операцион даромадни захиралаш меъёрини ўзгартириш; V^t – t вақтда яратилган бошқа операциялар бўйича захиралар ҳажми.

Шундай қилиб, операцион риск – бу захира яратиш меъёрининг нисбий ўзгариши ҳисобланадиган риск омили, позиция эса – бошқа операциялар бўйича зарарларни қоплаш учун яратилган захиралар ҳажми кўпайтмаси сифатида ифодаланиши мумкин.

Операцион рискни баҳолаш асосини мутахассисларнинг профессионал фикр-мулоҳазалари ташкил этади. Улар бу фикр-мулоҳазаларни бошқарув ҳисоби тизими регистрларида акс эттиришлари лозим. Кредит рискларидаги сингари операцион риск қийматларидаги ўзгаришларни унинг қуйидаги алоҳида турлари нуқтаи назаридан ҳар куни қайд этиб борган маъкул:

- ходимлар хатоси rischi;
- ахборот тизимлари ишидаги узилишлар rischi;
- бизнес-жараёнларни амалга оширишда тасдиқланган ички параметрлардан оғиш rischi;
- ташқаридан зарар етиши rischi;
- амалдаги шартнома ва битимлар бўйича юридик риск;
- амалдаги шартнома ва битимлар бўйича солиқ rischi.

Операцион рискларни баҳолаш жараёнини номолиявий рисклар тўғрисида профессионал фикр-мулоҳазаларни шакллантириш жараёни билан бирлаштириш мумкин. Агар мансабдор шахс рискдан кўриш кутилаётган зарар миқдорини ва унинг юзага келиш эҳтимолини кўрсатса, унда шу икки миқдор кўпайтмаси зарарни қоплаш учун захира яратиш учун асос бўлади.

Агар банкда зарарни калькуляция ва назорат қилиш илғор усули мавжуд бўлса, унда операцион рискни баҳолашга яна бир ёндашишни танлаш мумкин. Мазкур моделда банк активлари бирлигига тўғри келадиган режавий қийматларга нисбатан таннархнинг нисбий ўзгариши – риск омили, активлар ҳажми – позиция.

Бизнес-рисклар ва лойиҳа рискларини баҳолаш моделини молиявий рискларнинг анъанавий моделларига ўхшаш тарзда тузиш мумкин.

Демак рискнинг ҳар бир тури учун қуйидаги риск омилларини ажратамиз:

$$\frac{\Delta NR_h^E}{NR_h^E}$$

– ссудалар ва бошқа активлар бўйича зарарни қоплаш учун захира яратиш меъёрлари нисбий ўзгариши – кредит rischi омили;

$$\frac{dX_i^f}{X_i^f} - i\text{-ro молия инструменти баҳоси нисбий ўзгариши} - \text{фонд (нарх)}$$

риски омили.

$$\frac{dR^f}{R^f} - \text{самарали фоиз ставкаси нисбий ўзгариши} - \text{фоиз риски омили};$$

$$\frac{dC_j^f}{C_j^f} - j\text{-нчи валюта учун валюта курси қиймати нисбий ўзгариши} -$$

валюта риски омили.

$$\frac{dNO_k^f}{NO_k^f} - \text{фаолиятнинг } k \text{ йўналиши операцион даромадини захира қилиб}$$

қўйиш меъёри нисбий ўзгариши – операцион риск омили.

$$\frac{dS_1^f}{S_1^f} - 1\text{-махсулот сотилиш ҳажми нисбий ўзгариши};$$

$$\frac{dPC_m^f}{PC_m^f} - m\text{-лойиҳа бўйича режадаги смета харажатларидан нисбий}$$

оғиш.

$$\frac{dPS_m^f}{PS_m^f} - m\text{-лойиҳа янги маҳсулоти сотилиш ҳажмининг режадаги}$$

даражасидан нисбий оғиши.

Худди шу турдаги рисклар учун риск остидаги позиция ҳажмини баҳолаш усуллари аниқланган эди:

- активлар бўйича зарарни қоплаш учун яратилган захира ҳажми;
- t вақтда активлар бўйича зарарни қоплаш учун яратилган захира ҳажми – кредит риски позицияси;
- t вақтда портфель баҳоси – фонд риски позицияси;
- t вақтдаги курс бўйича рублда ифодаланган очиқ валюта позицияси – валюта риски позицияси;

$$- PV^f * \left(-D^f * \frac{R^f}{1 + R^f} \right) - \text{фоиз риски позицияси};$$

- t вақтда бошқа операциялар бўйича зарарни қоплаш учун яратилган захиралар ҳажми – операцион риск позицияси;

- t вақтда 1-маҳсулот сотилишидан олиш режалаштирилган даромад ҳажми – бизнес-риск позицияси;

- t вақтда m лойиҳа бўйича режалаштирилган смета харажатлари – лойиҳа рискининг биринчи позицияси;

- t вақтда m лойиҳа бўйича янги маҳсулот сотилишидан кўриладиган даромад режаси – лойиҳа рискининг иккинчи позицияси.

Шундай қилиб, ифодани (4) рискга мойил позициялар ҳажми бўйича ўлчанган риск омиллари йиғиндиси кўринишида тақдим этишимиз мумкин:

$$PL^t = \sum_{i=1}^N Z_i^t PR_i^t \quad (21)$$

бу ерда N – таҳлил учун танлаб олинган риск омиллари сони; Z_i^t – риск омилининг асосий қийматига нисбатан $t+1$ вақт оралиғи учун i -ро риск омили ўсиши логарифмик суръати прогнози; PR_i^t – i -ро риск омили таъсирига мойил баланс позицияларининг жами қиймати.

Жами риск тасодифий қийматининг мазкур ифодаси асосида унинг тақсимланишини тузиш мумкин. Қайд этиш жоизки, ифода (21) айрим молия инструменти баланс позицияси учун ҳам (алоҳида операция), ҳар қандай баланс портфели, шу жумладан банкнинг мавжуд ва бўлажак активлари ҳамда мажбуриятларининг умумий портфели учун ҳам тўғри.

Агар ифодада (21) кўрсатилган барча риск омиллари нормал тақсимланишга эга бўлса, банкнинг инструментлари/ маҳсулоти/ қуйи ташкилотлари VAR умумий портфелини ҳисоблаш учун ушбу нисбат қўлланилиши мумкин.

$$VaR^P = \sqrt{VaR^t * COR * VaR} \quad (22)$$

бу ерда COR – Z_i^t турли риск омиллари ўртасидаги корреляция коэффициентлари матрицаси; VaR^t – тегишли позицияга кўпайтирилган ҳар бир риск омиллари бўйича VaR қийматлар унинг координатаси бўлган

вектор сатр: $Var(Z_i^t) * PR_i^t$; Var – худди шундай координаталарга эга вектор устун.

Бирок, риск омиллари турлича тақсимланишга эга бўлса ёки бу тақсимланишлар нормал бўлмаса, умумий рискни баҳолаш вазифаси мураккаблашади. Бу ерда оддий тарихий усулдан ёки стохастик моделлаштириш усулидан фойдаланиш, ёки алоҳида риск турлари тақсимлаш вазифаларининг дискрет аппроксимациясини тузиш ва бунинг асосида умумий риск тақсимланиши зичлигини баҳолаш мумкин:

$$\varphi_i(y) = \sum_{l_1, l_2, \dots, l_i=1}^n p_{l_1}^1 * p_{l_2}^2 * \dots * p_{l_i}^i * S(y, l_1, l_2, \dots, l_i) \quad (23)$$

бу ерда n – риск ўзгариши кўлами бўлинган интерваллар сони; $\varphi_i(y)$ – *риск турларининг* i йиғиндиси y га тенг бўлиши эҳтимоли; $p_{l_k}^k$ – k -турдаги риск қиймати l_k интервалига тушиши эҳтимоли; $S(y, l_1, l_2, \dots, l_i)$ – $x_1 + x_2 + \dots + x_n = y$ *гипертекислик*

$L = (x_1, x_2, \dots, x_n: m(0_1 - 1) * P_1 \leq x_1 \leq m(0_1) * P_1, m(0_2 - 1) * P_2 \leq x_2 \leq m(0_2) * P_2, \dots, m(0_i - 1) * P_i \leq x_i \leq m(0_i) * P_i)$
куби билан кесишган майдон.

бу ерда $m(0_k)$ – l_k интервалининг ўртача қиймати; P_k – k *рискка мойил позиция*.

Тасодифий миқдорлар йиғиндисини тақсимоти аппроксимацияси мураккаблиги туфайли, умумий рискни баҳолаш бўйича энг оммабон усул – бу стохастик моделлаштириш усули (ёки Монте Карло усули)дир. Уни қўллаш учун умумий риск тақсимотининг унинг алоҳида белгиловчи тасодифий омилларига функционал боғлиқлигини чиқариш керак эмас, уларнинг тақсимотини сифатий баҳолашнинг ўзи кифоя.

Стохастик моделлаш VaR ни ҳисоблашнинг энг мураккаб усули ҳисобланади, бирок унинг аниқлиги бошқа усулларга нисбатан анча юқори. Бундан ташқари, уни қўллаганда риск омилларининг якуни молиявий натижага сўнгги таъсирини аниқлаш зарурати бўлмайди (захира яратиш,

солиқ солиш ва бошқаларни инобатга олган ҳолда). Баланс даромади ва/ёки кредит ташкилотининг пул оқимлари юзага келиши босқичларини таърифлаш ва риск омилларининг якуний кўрсаткичларнинг бирон босқичдаги оралиқ қийматига таъсирини акс эттириш етарли бўлади.

Охир-оқибат, банк даромади шаклланишининг етарлича аниқ моделини тузиш зарур. Бунга мисол –

- банк маҳсулотлари сотилиш ҳажми;
- банк маҳсулотлари таннархи;
- бозор нархлари (активлар даромадлилиги ва пасивлар баҳоси);
- кредит рисклари (захира яратиш ва муаммоли қарз юзага келиши меъёрлари, дефолт натижасида ҳисобдан чиқариш улуши, активларнинг турли портфеллари учун);
- валюта курслари;
- маҳсулотлар таннархи каби риск омилларининг даромадга таъсирини акс эттирувчи параметрик молиявий модель.

Муқобил стратегиялар нуқтаи назаридан, банк молиявий модели туфайли тоза даромад якуний қийматларининг алоҳида риск омиллари ўзгариши таъсирига мойиллигини таҳлил қилиш мумкин. Бу боғлиқлик асосида турли фаолият йўналишлари ва алоҳида портфеллар учун RORAC кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин ҳамда шу боғлиқлик режадаги муқобилларини танлашнинг муҳим мезонларидан бирига айланиши керак: нафақат энг даромадлилари, балки энг муқобил риск таъсирига мойиллари энг мақбул модель бўлиши мумкин.

Бироқ, бундай моделнинг одатий камчилиги – актив ва пасив операциялар бўйича пул маблағлари ҳаракатининг соддалаштирилган ҳолда кўрсатилиши бўлиб, натижада фоиз rischi ва ликвидлик rischi таъсири ноаниқ акс эттирилади. Агар стохастик моделлаштириш учун даромадни битим ва шартномалар асосида шакллантириш моделидан фойдаланилса, мазкур камчиликни тўғрилаш мумкин

2.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит рискларини ҳисоблашга амалий таҳлиллар.

Тижорат банкларимиз томонидан бугунги кунда бошқарув тизимини ташкил қилишда замонавий ва халқаро стандартларга жавоб бера оладиган усуллари қўлланилмоқда. Ушбу бошқарув тизиминг бир бўлаги сифатида банк рисклари билан ишлаш бўлимлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу бўлимларнинг асосий мақсад ва вазифалари тижорат банклари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган ва мавжуд рисклар турларини ўрганиб, таҳлил қилиб банк ходимларига ушбу рисклар даражасини аниқлаш, уларни бошқариш ва камайтириш борасида таклифлар беришдан иборатдир. Шунингдек улар банк рискларини таъсирини ўрганиш орқали уларни баҳолаш ва бошқаришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқади.

Кредит рискларини баҳолаш ва тартибга солишда ҳозирда мамлакатимиз тижорат банклари юқоридаги бўлимларда келтириб ўтилган бир нечта усулларидан фойдаланиб келади. Хусусан, кредит рискларини кредитларнинг умумий ҳолати ва алоҳида тури ёки алоҳида берилаётган кредит бўйича баҳолаш мумкин. Умумий ҳолда кредит рискларини баҳолашга математик кутиш усули мисол бўла олади. Бу усул бугунги кунда тижорат банкларимиз томонидан кредитлаш жараёнида қайси йўналишни кредитлаш керак қайси соҳада риск камроқ эканлигини кўрсатиб беради.

Масалан, тижорат банки ЯТТ ларни кредитлашдан 3 хил турдаги лойиҳа бўйича 100 млн сўм фойда олишни режалаштирган бўлса ва юридик шахсларни кредитлашдан ҳам 3 хил турдаги лойиҳа бўйича ўртача 120 млн сўм фойда олишни мўлжалламоқда. Тижорат банки кредит ресурсларини яқка тартибдаги тадбиркорларга йўналтирганда 3 та лойиҳадан 1-да (60та ҳолат - X_1) 100 млн сўм фойда олинса (бунинг эҳтимоли 0.4 га тенг), 2-да (45 та ҳолат - X_2) 90 млн фойда олинса (эҳтимоли-0.3) ва 3-да (45 та ҳолат - X_3) тасида 110 млн сўм (эҳтимоли-0.3) фойда олинса унда ўртача кутилаётган даромад (x^-) 100 млн сўмни ташкил қилади.

$(100 \cdot 0.4 + 90 \cdot 0.3 + 110 \cdot 0.3) = 100$ млн ёки $(110 + 90 + 100) / 3 = 100$ млн

Худди шу йўл билан юридик шахсларга берилган кредитлар бўйича ўртача фойда суммасини аниқлайдиган бўлсак у 120 млн сўм чиқади.

$(120 \cdot 0.4 + 140 \cdot 0.3 + 100 \cdot 0.3) = 120$ млн $(120 + 140 + 100) / 3 = 120$ млн

Энди ҳар бир кредитланаётган лойиҳа бўйича кутилаётган фойда даражасини умумий соҳа бўйича кутилаётган ўртача фойда миқдори билан таққослаб, фарқланиш даражаси ҳисобланиши лозим.

ЯТТ ларни кредитлашда:

1-лойиҳа учун фарқ ўзгармас $(X_1 - x^-) = 0$;

2-лойиҳа учун $(X_2 - x^-) = -10$ млн;

3-лойиҳа учун $(X_3 - x^-) = +10$ млн;

ЯТТ ларни кредитлаш бўйича дисперсияси 9 000 ни ташкил этади.

$$(X_1 - x^-)^2 \cdot n + (X_2 - x^-)^2 \cdot n + (X_3 - x^-)^2 \cdot n$$

Юқоридаги ҳисоб китобларни умумлаштириб, банк томонидан ЯТТ ларга ва юридик шахсларга берилган кредитларнинг дисперсиясини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Қуйидаги 10-жадвалда юқоридаги икки соҳанинг дисперсияси келтирилган.

Ушуб жадвал маълумотларидан фойдаланиб ЯТТ ларга ва юридик шахсларга кредит бериш жараёнининг ўртача квадратик фарқланиши ва вариация коэффициентини аниқлашимиз мумкин. Бунинг учун иккала соҳанинг ҳам ҳар бир лойиҳаси бўйича дисперсиясини ва ўртача кутилаётган даромад кўрсаткичларидан фойдаланамиз. Жадвалдан кўриниб турибдики, ЯТТларни кредитлаш дисперсияси 9 000 ни ва юридик шахсларни кредитлаш дисперсияси 28 800 ни ташкил қилади. Уларнинг квадрат илдизлари ўртача квадратик фарқланишни англатади.

**Тижорат банклари томонидан юридик шахслар ва ЯТТ ларни
кредитлаш жараёни дисперсияси.¹²**

2.1-жадвал.

Кредит - ланаётган йўналишлар	Олинадиган фойда (х) млн сўм	Операциялар сони (n)	$(X - x^-)$	$(X_1 - x^-)^2$	$(X_1 - x^-)^2 * n$
ЯТТ ларни кредитлаш бўйича:					
1-лойиҳа	100	60	-	-	-
2-лойиҳа	90	45	-10	100	4 500
3-лойиҳа	110	45	+10	100	4500
Жами:	100	150	-	-	9 000
Юридик шахсларни кредитлаш бўйича:					
1-лойиҳа	120	48	-	-	-
2-лойиҳа	140	42	+20	400	16 800
3-лойиҳа	100	30	-20	400	12 000
Жами:	120	120	-	-	28 800

Демак:

ЯТТ ларни юридик шахсларни кредитлашнинг ўртача квадратик фарқланишлари мос равишда:

$\sigma = \sqrt{9\,000 / 150} = \pm 7.75$ ва $\sigma = \sqrt{28\,800 / 120} = \pm 15.49$ га тенг. У ҳолда вариация коэффициенти қуйидагича бўлади:

$V = 7.75 * 100 / 100 = 7.74 \%$ ва $V = 15.49 * 100 / 120 = 12.91 \%$ га тенг бўлади.

Кўриниб турибдики юридик шахсларни кредитлашда вариация коэффициенти 12.91 % ни ташкил қилган, яъни бу лойиҳаларни кредитлаш ЯТТ ларни кредитлашга нисбатан рисклироқ ҳисобланади. Юридик

¹² Марказий банк меъёрий ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

шахсларни кредитлаш бўйича вариация коэффициенти ЯТТ ларни кредитлашнинг вариация коэффициентида 1.7 маротаба катта, яъни риск даражаси юқори.

Кредит рискин баҳолашда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан турли усуллар ва воситаларидан фойдаланиб келинади. Хусусан, ОАТБ « Ҳамкорбанк » нинг кредитлаш фаолиятига назар солсак ушбу банкда кредитлаш жараёнида ва кредит рискин баҳолашда қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

- Мижоз молиявий фаолияти ва молиявий кўрсаткичлари таҳлилини ўтказиш;
- Кредит таъминотини ўрганиш ва уни баҳолаш;
- Бизнес режа кўрсаткичлари ва миждознинг пул оқимлари тушумини таҳлил қилиш;
- Корхонанинг бошқарув тизими ва сифатини ўрганиш;
- Жисмоний шахсларга кредит ажратишда уларнинг даромадлари ва таъминоти(гаров ва кафилликлар) ни таҳлил қилиш;
- Тармоқнинг келгусидаги истикболи;
- Бозодаги рақобат муҳии, нарх-наво даражаси ва ишлаб чиқариладиган махсулотга бўлган талаб даражаси;
- Ва бошқа ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали кредит риксларини баҳолаш амалга оширилади.

Шунингдек кредит рискларини баҳолашда миждоз кредитга лаёқатлилигини аниқлашнинг кенг тарқалган усули, бухгалтерия баланси орқали кредитга лаёқатлиликини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари ва молиявий кўрсаткичларни таҳлилидан ҳам фойдаланилади. Улар қуйидагилар:

1. Соф ўз айланма активлари миқдори(баланс ликвидлиги);
2. Жорий ликвидлик коэффициенти;
3. Тезкор ликвидлик коэффициенти;

4. Абсолют ликвидлик коэффициенти;

5. Автономия коэффициенти.

Жисмоний шахмсларни кредитлашда кредит рискени баҳолаш асосан скоринг таҳлили орқали амалга оширилади. Жисмоний шахмсларни скоринг усули ёрдамида таҳлил қилишда қуйидагилар инобатга олинади.

- Мижознинг ёши ва оилавий аҳволи;
- Фаолият соҳаси ва малакаси;
- Яшаш жоеи ва уй-жой билан таъминланганлиги;
- Қарамоғидаги шахмслар сони;
- Кредит тарихи;
- Банкдаги ҳисобварақлари ва банклар билан алоқаси;
- Телефон рақами;
- Ушбу касб билан қанчадан буён шуғулланиб келмоқда;
- Қанчадан буён банкнинг мижози ҳисобланади ва бошқа шу каби

кўрсаткичлар таҳлил қилиб ҳар бири алоҳида баҳоланади.

Тижорат банкларимиз томонидан юқорида келтирилган усуллар ва бошқа шу каби кредит рискларини баҳолаш орқали кредит рисклари даражасини аниқлашни амалга оширадilar. Олинган натижалар асосида кредит рискларини бошқариш ва риск даражасини камайитириш чоратadbирларини амалга оширадilar.

Мамлакатимиздаги ҳар бир тижорат банки ўз ташкил топиш жиҳати ва кредитлашнинг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда кредит рискларини баҳолашни амалга оширадilar. Ҳаммасининг фаолиятда мижоз кредитга лаёқатлигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари, жисмоний шахмсларни скоринг таҳлил қилиш ва шу каби таҳлиллар кўп қўлланилади.

Айтиш жоизки, ушбу усуллар ёрдамида тижорат банкларимиз томонидан кредит рискларини баҳолаш орқали кредит операцияларини самарали олиб бормоқда. Буни биз банкларимиз жами кредит портфелларидаги муаммоли кредитларнинг улуши мустақилликнинг

дастлабки йилларига нисбатан бир неча баробарга камайганлиги мисолида кўришимиз мумкин. Шунингдек кредит портфелининг сифат жиҳатидан яхшиланиб боришида ҳам кредит рискани тўғри баҳолаш ва уни бошқариш борасида амалга оширилган ишлар натижаси деб айтишимиз мумкин.

Энди узоқ муддатли инвестицион кредитлар бўйича риск даражасини ҳисоблашга ҳаракат қиламиз, реал кредит рискани аниқлаш учун, энг аввало, кредит сарф қилиниши мўлжалланаётган лойиҳани яшашга қобилиятлилиги кафолатланиши лозим. Агар таҳлил натижасида лойиҳанинг келажаги яхши деб топилса, унда кредит учун таклиф қилинаётган гаровнинг сифати ва баҳоси таҳлил қилинади. Гаровни таҳлил қилиш жараёнида риск даражаси аниқланади. Чунки гаровнинг қиймати ва ҳужжатлари муҳим рол ўйнайди.

$$\text{Кредит рискининг ҳақиқий даражаси} = \frac{\text{туланмаган кредитлар}}{\text{берилган кредитлар}};$$

Яъни, маълум вақт оралиғида тўланмаган кредитларнинг жами берилган кредитларга нисбати таҳлил қилинади ва бу факт кўрсаткич келажак учун меъёр вазифасини бажаради. Бунда риск даражасини қанчалик чуқур, барча омилларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинса, келажакдаги самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Масалан, Invest Finance Bankнинг 2012 йил 1 январ ҳолатига миждозларга берган ссудалари 67 830 922 минг сўмни ташкил қилди дейлик, шартли равишда уларнинг узоқ муддатли, инвестицион мақсадларга йўналтирилганлари 75% деб олсак, $67\,830\,922 \text{ минг сўм} * 75\% = 50873192 \text{ минг сўм}$ бўлади.

Банкнинг ўтган йиллар давомида қайтмаган кредитларини таҳлил этиб, уларнинг ўртача кўрсаткичини 5% деб олайлик (банкда узоқ муддатли инвестицион кредитлар бўйича ўртача қайтмайдиган қисми қуйидагича ҳисобланади: $50873192 \text{ минг сўм} * 5\% = 2543660$)

$$\text{Кредит рискининг ҳақиқий даражаси} = 2543660 \text{ м.с} / 50873192 \text{ м.с} = 0.05 \text{ (5\%)}$$

Бу усулнинг афзаллиги соддалигида бўлса, камчилиги кутилмаган ҳолатларни , иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни инобатга олмайди.

Кредит рискининг ҳақиқий даражасини аниқлашда риск коэффицентидан фойдаланиш ҳам мумкин:Фараз қилайлик,юқоридаги мисолга алтернатив равишда қимматли қоғозга инвестиция қилиш варианти турибди.Қимматли қоғозлар бўйича риск даражасини аниқлашда техник ёки фундаментал таҳлил усулларида фойдаланиб , улар бўйича йўқотишларнинг ўртача суммасини тахминан топиш мумкин ва бу вариант бўйича ўртача йўқотиш суммаси 3543600 минг сўмни ташкил этади.

Банкнинг олдида турган масала , инвестицион кредит ва қимматли қоғозга қўйилма ўртасидан оптимал вариантни топиш.

Биргина Давлат Акционерлик Тижорат «Асака» банк (Очик Акционерлик Жамияти) Бухоро вилояти филиали мисолида қарайдиган бўлсак 2012 йил 01 июнь ҳолатида миқдорларга жами 43 млрд. 450 млн. сум кредитлар тақдим қилинган. Тақдим этилган кредитларнинг гаров объектлари банк томонидан 73 млрд. сумга яқин баҳоланган.

Давлат Акционерлик Тижорат «Асака» банк (Очик Акционерлик Жамияти) Бухоро вилояти филиали кредит портфели иқтисодиётнинг турли секторларига, хусусан, саноат, кишлок хужалиги, озиқ-овқат, енгил саноат, паррандачилик ва бошқа катор йуналишларларни самарали ресурслар билан таъминлаб келган йирик тижорат банкларида эканлиги эътиборга лойикдир.

**ДАТ «Асака» банк (ОАЖ) Бухоро вилояти филиали кредит
портфели тахлили, млн.сум хисобида¹³ 2012 йил 01 июнь
ҳолатида**

«Асака»банк кредит портфели	Сумма	Ҳоизда
Ҳами ажратилган кредитлар	43450	100
Муддати утган кредитлар	6,67	0,01
Суд жараёнида булган кредитлар	72	15,3
Муддати узайтирилган кредитлар	6,7	0,16

Ушбу кредитларнинг 6 млн 450 минг суми муддати утган кредитлардир, ғни ҳами кредит портфелининг 0,01 % и муддатида туланмаган ва тулов муддати кутаётган кредитлар саналади.

Шунингдек Давлат Акционерлик Тижорат «Асака» банк (Очик Акционерлик Ҳамияти) Бухоро вилояти филиали кредит портфелининг 72 млн сум ажратилган кредитлари суд жараёнида булган кредитлардир.

Бу эса уз навбатида ҳами кредит портфелининг 0,16 % ини ташкил этади.

Янада эътиборлиси шундаки, ушбу банк томонидан ажратилган кредитларнинг муддати узайтирилган кредитлар 6 млрд. 700 млн сумни ташкил этади ва кредит портфелининг 15,3 % улушини ташкил этади.

¹³ ДАТ «Асака» банк (ОАЖ) Бухоро вилояти филиали баланс маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланган.

Риск коэффицентини аниқлаш жадвали¹⁴

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Вариантлар	
		кредит	қимматли
Банкнинг маблағлари	Ўз мингсўм	т 16682 176	1668 2176
Эҳтимол қилинаётган йўқотишларнинг умумий суммаси	минг сўм	2543 660	3543 600
Риск коэффицентини	Коэф.	0,15	0,21

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1 вариант бўйича капитал қўйиш rischi 2 вариантга нисбатан 1,4 марта кам. Риск коэффицентини тўғри тахминлаш бериладиган кредит суммасини оптималлаштириш йўлларини ишлаб чиқишга, riskларни минималлаштиришга ёрдам беради. Бироқ юқоридаги мисолда, инвестицион кредитлар ва қимматли қўғозларнинг хусуситларидан келиб чиқиб қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, тижорат банкларимиз ҳар бир операцияни амалга ошираётган экан, унинг riskли оқибатлари ижобий ҳақартерланадиган йуналишларга жиддий эътиборни қаратмоғи лозимдир.

III Боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган riskларни камайтириш йуналишлари .

¹⁴ ХЕАТБ Invest Finance Bank» ҳисобот маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.

Юкорида таъкидлаб утилганидек тижорат банкларимизнинг барча операциялари албатта рискларсиз амалга оширилмайди. Демак шундай экан ушбу рисклардан тижорат банкларимиз қандай ҳолис бўлиши мумкин ёки уни камайтириш учун қандай масалаларга алоҳида жиддий эътиборни қаратмоқ лозимлиги ҳусусида фикр юритамиз.

Таваккалчиликларни самарали бошқариш мақсадида банкнинг ҳар бир тармок бўлинмаси уз фаолият йуналишидан келиб чиқиб иштирок этади ва таваккалчиликларни олдини олиш ва уларни минималлаштириш мақсадида тегишли чоралар куради.

Таваккалчиликларни бошқаришда маълумотларни йиғиш ва уларни дастлабки статистик қайта ишлаш услубларидан кенг фойдаланилади. Мазкур турдаги изланишларда қулланиладиган статистик қузатувнинг кенг тарқалган услубларига, яппи бўлмаган статистик қузатув (анкета, тасодифий асосдаги репрезентатив танлов, таснифланган асосда йуналтирилган танлов) услублари қиради.

Таваккалчиликни самарали бошқаришнинг муҳим шартларидан бўлиб, тахлилий ва мониторинг ишларини яхши йулга қуйилганлиги билан борливдир.

Бозор иқгисодиётида таваккалчиликни боиқаришга нисбатан тизимли ёндошишнинг қулланилиши ва унинг банк активлари ва пасивларини бошқариш тизимини шаклланишида (кейинчалик эса ривожлантиришда) фойдаланилиши мақсадга мувофикдир.

Таваккалчиликни бошқаришдаги тизимли ёндашув асосида, хориж тажрибаси асосида ишлаб чиқилган тамойиллар ётади – Generally accepted risk principles (GARP). GARP - бу умумий тузилма ва у орқдди банклар уз таваккалчиликларини бошқдриш ва тақсимлаш имқонига эга ва ундан рақбарият, бошқарув ва қонун қикдрувчилар фойдаланишлари мумкин.

Самарадорликни назорат килиш нукдаи назаридан таваккалчилик бошқдрилишини таркиблаштириш кулланилади ва бунда куйидагилар хисобга олинади:

- а) Банк Кенгашининг роли;
- б) Банк Бошқарувининг роли;
- в) таваккалчилик билан богаик стратегия;
- г) таваккалчиликларнинг умумий бошқарилиш;
- д) самарали бошқарув;
- е) самарали назорат;
- ж) кадрлар, маълумотлар сифати ва очик-ойдинлиги.

Ликвидлик таваккалчилигини баҳолаш ва болшариш, хар кандай банкнинг мухим функцияларидан бири хисобланади. Ликвидлик таваккалчилигини баҳолашнинг кенг тарчалган инструментлари булиб, актив ва пассивларни муддатлари буйича тузилиши хамда юкори ликвидли активлар хажмини етарлилигини характерловчи турли коэффициентлар хисобланади. Иккинчи мухим параметр булиб, киска ва узок муддатли истиқболда ликвидликни куллаб туришни таъминловчи, юкори ликвид активлар хажмини етарлилиги хисобланади. У банк депозит базасини диверсификацияланганлик даражасини хисобга олган холда баҳоланиши лозим. Бундай баҳолаш оддий услубда бир кредитордан жалб этилган маблаадад максимал хажмини юкори ликвидли активлар хажмига нисбатини улчаш оркали амалга оширилиши мумкин.

Фоизли таваккалчиликни улчаш ва бошқариш учун 2 стандарт услуб мавжуд. Булар, GAP (ГЭП-тахлил) - бозор фоиз ставкалари узгаришига банк икгисодий кийматининг сезгирлилик баҳосини тахлил этиш ва улчаш услуги. ГЭП-актив ва пассивлар моддаларини муддатлар буйича, уларни жойлаштиришни (жалб этишни) баҳо шартларини кайта курилгунча, гурухлаштириш хисобланади (бирвақтда кайта баҳоланаётган актив ва

пассивларни хажм жихатдан узаро мувофиқлигини урганган холда). Бундай изланиш, фоиз ставкалар даражасини усиши ёки кутарилиши жараёнида банк фоиз спрэдини узгариши буйича хулосалар килиш имконини беради.

Маълумки тижорат банкларимизнинг энг куп рискли операцияларидан бири кредитлаш жараёни ҳисобланади. Бу жараёнда куйидаги масалаларга жиддийроқ назар ташланса банк кредит рикларини бироз камайишига эришишимиз мумкин:

- Банк бошқаруви ва банк кредит кумитаси аъзоларини кредит олувчи субъект ҳақида тулик аниқ ишончли маълумотлар билан таъминлаган холда оқилона қарор қабул килиш;

- Мижоздан кредит таъминотининг энг ликвидлисини олиш ва албатта харидорбоп, тез реализация қилинишга қодир, энг муҳими, кредитни қоплашга етарли гаров объектларини олиш.

Ҳозирги кунда тижорат банкларимиз кредит портфели улушида сезиларли даражада муддати утган кредитларнинг салмоғи кундан кунга ортиб бормокда. Бунинг асосий сабабларидан бири кредитни барқарор ишлаб турган секторга йуналтирилмаганлиги ва шу миқозларнинг банкрот бўлиб кетиши, миқозлардан олинган гаров таъминотининг етарли эмаслиги ёки ноликвидлилиги, тақдим қилинган гаров объектининг уз нархидан сезиларли даражада ута юқори баҳоланганлиги ва банк баҳолаш комиссияси томонидан ҳам шу маълумотларга таяниб баҳоланганлиги ва бошқа қатор қуплаб қачиликларин келтириб утишимиз мумкин.

Бу албатта банк миқозларининг кредитларни уз вақтида қайтаролмаётганлидан ва банк томонидан қурилган биринчи чора унинг муддатини узайтириш орқали сунтиртиришга ҳаракат қилиши билан баҳоланади ва албатта булар ижобий қурсаткичлар эмаслигидан далолат бериши юқоридаги қурсаткичлардан яққол қуриниб турибди.

Агарда ушбу кредитлар юқорида муддатида кредитларни қайтаролмаётган миқозлага эмас, юқори ликвидли ва юқори даромад билан

ишлайдиган корхоналарга диверсификация килинганида банк умумий ҳисобда кредит портфелига нисбатан 16 % га яқин муддати утган кредитлар салмоғига эга бўлмай, балки юқори даромадга эришиш мумкин эди.

Ушбу камчиликларни албатта гаров таъминотида қабул килинган объектлар мисолида ҳам курсатиш мумкин

Ҳар қандай тараққиёт жараёни қарама-қаршиликлар, муаммолар асосида мукаммаллашиб боради. Мамлакатимиз тижорат банклари тараққиёти жараёнида ҳам бир қатор ечимини қутаётган муаммолар мавжуд:

1. Тижорат банклари фаолияти реал сектордан узилиб қолган ва асосан қисқа муддатли, рисқи кам операцияларга ўрганиб қолган. Бунини ҳамма банк тизими активларининг ЯИМ дағи улушида кўришимиз мумкин. 2012 йил бошига ҳамма банк тизими активларининг ЯИМ дағи улуши 34,3 % ни ташкил этган¹⁵. Бразилия, Мексика, АҚШда бу кўрсаткич 50% дан кўп, Франция ва Германияда 150-200%ни ташкил этади. Ҳамма банк тизими кредит портфелининг ЯИМ дағи улуши 18,2% , қимматли қоғозларга инвестициялар эса 1,4% ни ташкил этади.

2. Банкларни капиталлашув даражаси 2012 йил бошига 20,4 %га ўсган бўлса, активларни ўсиши 34,9 % ни ташкил этган. Мутахассислар бу икки кўрсаткич бир – бирига мутаносиб равишда ўсиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади. Чунки банк капитали энг барқарор ресурс ҳисобланади.

3. Тижорат банкларимиз депозитлари асосий қисмининг муддатсиз ёки қисқа муддатлилиги. Тижорат банклар депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларнинг улуши кўп (63%) ва улар арзон бўлишига қарамасдан, рисқи юқори ресурс ҳисобланади. Маблағларни жамлаш операцияларининг ҳажми ва таркиби банкларнинг кредит ва инвестиция портфели ҳолатини белгилайди ҳамда инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи асосий омил ҳисобланади. Инвестициялар узок муддатли операциялар бўлганлиги сабабли, узок муддатли ресурсларни талаб

¹⁵ “Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлигининг 2012 йил 1 январ ҳолатига ҳисоботи.

қилади.Тижорат банкларимиз ресурсларининг асосий қисми эса талаб қилиб олингунча депозитларга ёки қисқа муддатли депозитларга тўғри келади.Жами депозитлар таркибида узоқ муддатлиларининг улушини кўпайтириш мақсадида банкларимиз учун мамлакатимизда бир қанча имтиёзлар жорий қилинган.

4. Аҳолининг банк тизимига ишончини янада ошириш керак; Жисмоний шахслар омонатларининг жами банк тизими депозитларидаги улуши тахминан 27% дан кўпроқни ташкил қилади.Бу жами банклар активларига нисбатан 10,8% ни ташкил этади.

5. Жаҳон амалиётида инвестиция фаолиятини асосан йирик банклар амалга оширади.Бизда бундай салоҳиятли йирик банклар санокли.

“...хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли”¹⁶ III бобда амалга оширилган тадқиқотлар жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Республика тижорат банклари фаолиятида кредит рискларини бошқариш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

- тижорат банкларига мижозлар томонидан такдим этилаётган бизнес режаларнинг мукамал ишланмаганлиги ва уларнинг банклар томонидан тугри баҳоланмаслиги натижасида ҳақиқатда пул оқимларининг кредит буйича асосий қарз ва фоиз туловларига хизмат курсатишга етарли бўлмаслиги;

- ликвидли гаров объектларининг чекланганлиги ва баҳолаш ишларидаги камчиликлар;

- кредитнинг фойдаланилиши устидан мониторингнинг сустлиги;

- қарз олувчиларнинг риск даражаси, кредитга хизмат курсатиш

¹⁶ "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш,халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади".Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг ЎзР Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.Халқ сўзи 2011 йил,22 январь,№16(5183)

борасидаги интизомидан келиб чикиб уларга турли хил фоиз ставкаларини белгилаш амалиётининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- кредит рискани сугурталашнинг хосила молиявий воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- кредит рискани бошқариш билан боглик инфратузилмавий муаммолар;

- республикамиз тижорат банкларининг кредит портфеллари буйича кредит риски даражасининг нисбатан юкори эканлиги;

- кредит портфелини диверсификациялаш билан боглик муаммолар;

- республика банк амалиётида Базель талаблари буйича кредит рейтингининг янги методик таъминотидан фойдаланиш билан боглик муаммолар.

2. Республика тижорат банкларида кредит рискани бошқаришни такомиллаштиришнинг устувор йуналишлари ишлаб чиқилди:

- банкларда кредит рискани баҳолаш ва бошқариш буйича халқаро халқаро талабларга таяниш;

- тижорат банкларида кредит рискларини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида банкнинг турли таркибий бўлинмалари уртасида муносабатларни оптималлаштириш;

- банкларда кредит рискани камайитириш усулларини такомиллаштириш;

- тижорат банклари кредитлари буйича юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишга қаратилган профилактик чораларни кучайтириш;

- кредит портфели рисклари мониторингини кучайтириш.

Хулоса ва таклифлар.

«Риск» сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб, «сув остидаги қоя» деган маънони билдиради. Риск бу ресурс ёки даромадни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфини олдиндан ҳисобга олиб, ноаниқлик шароитида бирор фаолиятни амалга оширишдир. Бунда риск реализациясига қарши чора – тадбирлар амалга ошириб қўйилган бўлиши лозим.

Банк rischi иқтисодий riskларнинг бир қисмини ташкил қилиб банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади. Банк rischi бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад олмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, ҳисоб – китоблар асосида банк операцияларини (депозит, кредит инвестиция, валюта) ўтказишдир.

Банк riskларини таснифлашни қўйидаги асосий тамойиллар асосида олиб борилади. Riskни пайдо бўлиш сабаблари ва таъсир қилиш характери бўйича; Намоён бўлиш шакллари бўйича; Бошқариш имкониятига қараб riskларни бўлиб чиқиш; Ҳисоблаш усулига қараб riskларни ажратиш; Юзага келиш ва таъсир вақтига қараб riskларни ажратиш; Юзага келиш соҳасига қараб riskларни таснифлаш.

Банклар учун хусусиятли булган таваккалчиликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) кредит таваккалчилиги — активни йўқотиш таваккалчилиги ва қарздорлар ёки уларнинг вакиллари томонидан мажбуриятларни бажарилмаслиги оқибатида активнинг дастлабки сифат ёки қиймати кийинги йўқотиш хавф-хатари. Кредит таваккалчилиги қурилишларидан бири бўлиб, инфляцион таваккалчилик ҳисобланади;

б) инфляцион таваккалчилик — активнинг инфляция оқибатида номинал қиймат мивдорини саклаб қолган ёки устирган ҳолда дастлабки реал қийматни йўқотиш хавф-хатари;

в) фоиз таваккалчилиги - банк учун қўзда тутилмаган ҳолда, номутаноиб равишда фоиз ставкаларини ўзгариши оқибатидаги

йукртишлар хавф-хатари. Ушбу таваккалчилик банк маржасини кискариши, "нол"га тенг булиши ёки умуман манфий микдорга олиб келиши мумкин. Фоиз ставкаларни кескин бир тарафлама узгариши ёки фоизли спрэдинг камайиши ҳрлатида банк активлари уз кийматининг бир кисмини йукотиши, аксинча пасивлар киймати усиши мумкин. Бу эса уз навбатида, маржанинг камайишига олиб келади;

г) баланслашмаган ликвидлик ва кайта молиялаш таваккалчилиги - банк томонидан пасивлар буйича мажбуриятларни ва активлар буйича талабларни бажара олмаслиги ёки жорий активларни қдйта молиялаш учун янги ресурсларни жалб эта олмаслиги ҳолатида вужудга келадиган йукотишлар хавф-хатари;

д) етарлича булмаган диверсификация таваккалчилиги - активлар ва пасивлар портфелини етарлича булмаган диверсификацияси утказилаётган операциялар доирасининг торлиги окибатидаги йукотишлар хавф-хатари. Ушбу таваккалчилик банк фаолиятини, у ёки бу активлар (пасивлар) гуруҳи динамикасига асоссиз борлаб куйилиши натижасида пайдо булади. Таваккалчиликнинг ушбу тури турли хавф-хатарлар (кредит, фоиз, цайта молиялаш ва шу каби) конгломерати сифатида, атамада курсатилган хусусиятли белгилари билан биргаликда курилиши мумкин;

е) валюта таваккалчилиги - валюта курсининг кузда тутилмаган узгариши окибатида эҳтимолий йукотишлар;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Расмий нашр – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.– Т.: “Адолат”, 2008 й.
4. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.1996 йил 25 апрель.
5. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун.1995 йил 21 декабр.
6. Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабр.
7. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел.
8. Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизми тўғрисида"ги Қонуни
9. Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги Қонуни
10. Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг

кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида ” ги Қарори;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1604-сон қарори. 2011 йил 25 август;
14. ”Тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони; № ПФ-4434. 10.04.2012;
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги №4161-сонли «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 52-сон, 2009 й.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги №1252-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 52-сон, 2009 й.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4058-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони. Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008-йил №12(30).
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада

- ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори.
- 20.2009 йил 28 июл "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1166-сонли Президент қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
- 22.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 11-апрелдаги Фармони.—СБХ газетаси.—2005.—№16—Б.1-2.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 23.Каримов И.А.”2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ .- 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маъруза . 2012 й – Тошкент.
- 24.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. — Тошкент: Ўзбекистон, 2011. — 48 б.
- 25.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — 56 б.
- 26.Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.Тошкент,“Ўзбекистон”,2010. 80 б.

27.Каримов И.А.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.:Ўзбекистон, 2009. 56 б.

28.Каримов И.А. Банк тизими,пул муомаласи,кредит,инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2005. – 528 б.

Вазирлар Маҳкамаси Низомлари ва йўриқномалар

29.“Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом 7.05.2000 й.

30. “Тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг қарори №2312; 11.01.2012;

31. "Тижорат банкларига қимматли қоғозлар бозорида операциялар бажаришга доир йўриқнома" (1996 йил 26 апрел)

Дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар ва илмий мақолалар

32.Азрилиян А.Н. Большой экономический словарь. - М.: Фонд «Правовая культура», 1994. – с. 203.

33.Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие М.С.Ангелиди., Н.Г.Каримов. Ташк. фин. ин-т. – Т.: 2000. – 88 с.

34.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия. 2002.

35.Банковское дело. Словарь: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - 412 с. - (Библиотека словарей ИНФРА-М).

36.Богатырёв А.Г. “Инвестиционное право”. М.: Росс. Право, 1992, с. 8

37.Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учеб. пособие. – 5-е изд., перераб. и дополн. / Под ред. В.М.Попова. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 432 с.: ил.

38. Богатин Ю.В., Швандар В.А. Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 286 с.
39. Бочарев В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 160 с.
40. Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 384с. Ил.- (Серия "Учебник для вузов")
41. Ваҳобов А.В. ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик /Муал.: А.Ваҳобов, Н. Жумаев, У. Бурханов. - Т.: "Шарқ", 2003. - 400 б.
42. Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. - 3-е изд., перераб. И доп. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. с.13.
43. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: «Молия» нашриёти, 2003. - 332 б.
44. Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2007. 92-б.
45. Гранатуров В.В., Экономический риск: сущность, методы измерения, пути снижения. Москва "Дело и сервис". 1999
46. Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. - Калининград, БИЭФ, 2001. с.121.
47. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма - Т.: - «Шарқ», 2003. - 225 б.
48. Зелль А. Бизнес-план: Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектов: Пер. с англ. - М.: Издательство «Ось-89», 2002. - 240 с.
49. Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. пособие. - Мн.: ИП «Экопрспектива», 1998. - 468 с.
50. Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия», Ростов н/Д: Феникс, 2002. с.24-25.

- 51.Игонина Л.Л.”Инвестиции.Инвестиционная деятельность коммерческих банков” 30 б
- 52.Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.с.81.
- 53.Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. с.17
- 54.Инвестиции: Учебное пособие /Г.П. Подшиваленко, Н.И. Лахметкина, М.В. Макарова и др. –М.: КНОРУС, 2007. С.7. (Финансовая академия при Правительстве РФ).
- 55.Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 144 с.: ил.
- 56.Кольтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной среды: Учебник. - СПб.: Изд-во Михайлова В.А. 2000. - 432 с.
- 57.Крущвиц Л. Инвестиционные расчеты / Пер. с нем. Под общей В.В.Ковалева и З.А.Сабова./ - СПб.: Изд-во “Питер”, 2001. - 432 с.: ил. - (Серия “Базовый курс”).
- 58.Қўзиева Н.Р. “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари”, Халқаро илмий-амалий конференция материаллари Тошкент. 2008 -60- бет.
- 59.Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пособие для вўзов /Под общ. ред. И.И. Мазура. - М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. - 574 с. - (Современное бизнес-образование).
- 60.Роберт С. Пиндайк, Дэниел Л. Рубинфельд «Микроэкономика», калифорнийский университет, беркли, пер. с англ., М.: Издательство «Дело», 2001. - С. 605-610.

- 61.Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-изд. - М.: «Дело ЛТД», 1995. - 768 с.
- 62.Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. 29 б.
- 63.Чернов В.А. Инвестиционная стратегия: Учеб. пособие для вўзов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 158 с.
- 64.Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.-208 б.
- 65.Ковалева Л.М., Лапуста М.Г., Скамай Л.Г. Финансы фирмы: Учебник 2-изд. исп., допол. - М.: ИНФРА-М, 2002. - 493 с. (Серия “Высшее образование”).
- 66.Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. ИНВЕСТИЦИИ: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2006. – XII, С.1.
- 67.Altmann.Altmann J. Wirtschaftspolitik : 7. Auflage/ .Altmann. -Stuttgart: CIP-Einheitsaufnahme, 2000. -692 p.
- 68.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. – Т.: 2002. иқтисод фанлари доктори диссертацияси автореферати, 11-14-б.
- 69.Куртер Дж Куртер Дж Microsoft OFFICE 2000 : Учеб. курс./ Дж Куртер, А Маркви. -СПб.: Питер, 2001. -640 с.
- 70.Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие.–М.:ИНФРА-М,2003.–С. 8.
- 71.Ё.Абдуллаев,Т.Қоралиев ва бошқалар.”Банк иши”Тошкент 2010.
- 72.Dictionary of Foreign Trade, by F.Henus, Sec.Ed.№4. 1947, p.387

Интернет сайтлари

- 73.www.cbu.uz
- 74.www.ebrd.com
- 75.www.adb.org
- 76.www.worldbank.org